

Орифа НОРОВА

**МИЛЛИЙ
ҲУНАРМАНДЧИЛИК
АНЪАНАЛАРИ ВА ЁШ
АВЛОД ТАРБИЯСИ**



Орифа НОРОВА

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Монография

Тадқиқотда ёшларда миллий ҳунармандчилик ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий, методологик ва методик ёндашувлар, илмий-методик тавсиялар ўз ифодасини топган.

Монография педагогика ҳамда амалий санъат тарихи мутахассислари, мазкур соҳаларга қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

“BUXORO NASHR”

Бухоро, 2023

85.1

87.7

Н 79

Норова, Орифа. Миллий ҳунармандчилик анъаналари ва ёш авлод тарбияси [Матн] / О.Норова. – Бухоро: “Вухого nashr”, 2023. – 136 б.

КБК 85.1

87.7

Масъул муҳаррир:

Пардаева Марҳабо Давлатовна,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент

Тақризчилар:

Ёдгоров Нодир Джалолович,
педагогика фанлари номзоди,
БухДУ профессори

Избуллаева Гулчеҳра Валериевна,
педагогика фанлари доктори,
БухДУ доценти

Нашрга тайёрловчилар:

Сулаймонов Шодмон Султонович,
филология фанлари номзоди

Кенжаева Хуршида Пўлатовна,
Бухоро давлат тиббиёт институти
катта ўқитувчиси

Пардаева Марҳабо Давлатовна,
фалсафа фанлари номзоди,
БухДУ доценти

ISBN 978-9943-9052-2-1

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Миллий хунармандчилигимиз кўп йиллик анъана ва қадриятларга эга бўлиб, ўзида аҳоли турмуш тарзи, талаб ва эҳтиёжи, маданияти, маънавияти, касб-кори ҳамда жамиятдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни акс эттирибгина қолмай, балки аҳоли дунёқараши ва миллий тафаккурининг нечоғлик теран эканлигини ҳам намоён этади.

Бугунги кунда миллий хунармандчилигимизда асрлар давомида тараққий этган “устоз-шогирд” анъаналарини тиклаш, модернизация туфайли йўқолиб бораётган қадимий анъаналарни шакллантириш аҳолининг касбий малака, хунар маҳоратини ошириш, шунингдек, ёш авлод онгида миллий қадриятларга садоқат руҳини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда юртимизда халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш, унутилиб бораётган йўналишларини қайта тиклашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2021 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилиниб, мамлакатимизда миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, хунармандлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни хунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда ёшларга хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш асосида камбағалликни қисқартириш масаласи ўз аксини топди.

“Устоз-шогирд” анъаналари ва хунармандчилик билан боғлиқ урф-одат муносабатларини ёшлар онгига сингдириш, уларни миллий маънавий қадриятларга ҳурмат, хунарларни ўрганишда ворисийлик анъана-

ларига садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан биридир.

Хусусан, бу борада илмий изланишлар олиб бориш, ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштиришга оид илмий хулосалар, тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга қўллашни, касб-ҳунар ўрганишнинг афзаллиги ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини тадқиқ қилишни ёш иқтидорли олима Орифа Норова ўз зиммасига олган эди.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ақл-фаросати, иқтидори, фидокорона меҳнати, чуқур изланишлари, бой маънавий дунёси, яхши амаллари билан ўзининг қисқагина умри давомида нурли ва нутилмас из қолдиради. Улар ҳақида барча инсонлар доимо илиқ сўзлар гапирадилар, муборак кунларда хотирлайдилар. Бухоро давлат университети таянч докторанти Орифа Норова мана шундай инсонлардан эди.

Орифа “Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштириш методикаси” мавзуидаги илмий иш устида тинмай изланди. Ёш бўлишига қарамай, яқинлари, дўстлари, ҳамкасблари, талабалар орасида ҳурмат-эътибор топган Орифа доимо ўз устида ишлар, педагогика ва амалий санъатнинг долзарб муаммолари юзасидан фикрлари битилган илмий мақолалар ёзар, илмий ишини якунлаб, муваффақиятли ҳимоя қилиш учун мунтазам ҳаракат қилар эди. Ҳаётдан завқланиб яшаётган ёш, истеъдодли илмий изланувчининг орзулари бисёр эди. Жамият учун керакли бўлган докторлик илмий ишини ҳимоя қилиш, яқинларининг дуосини олиш, фарзандини ўқитиш, унинг бахту камолини кўриш...

Афсус, тақдирида бошқача тарих битилган экан, умри қисқа экан.

Бухоро давлат университети илмий жамоаси иқтидорли, ёш докторант Норова Орифа Зулфиқоровнанинг илмий изланишидаги миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштиришга оид тавсияларидан педагогик фаолиятда фойдаланишнинг аҳамияти беқиёс эканлигини инobatга олиб, унинг илмий янгиликларини амалиётда қўллаш мақсадида диссертация ишини монография сифатида chop этишни маъқул деб топди.

Бу ўринда шоира Дилором Каримова мисралари ёдга келади:

***Мазмунсиз умрга ачинар кимдир...
Кимдир сукут сақлаб ўтар дунёдан.
Юз йил яшаб битта ниҳол ўстирмай,
Кимдир яна умр сўрар Худодан.***

***Ўткинчи дунёда ҳар бир кунимиз
Ҳаёт китобидан битта саҳифа.
Яхшилик қилайлик, чунки умримиз –
Номимиз абадий қилгувчи – ўша.***

Дарҳақиқат, Орифа Норова жисман сафимизда бўлмаса-да, унинг хотираси, яхши амаллари, илмий фаолияти умрининг давоми сифатида қалбимизда яшайверади.

**Сиддиқ ҚАҲҲОРОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор**

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Бу жараёнда миллий ҳунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чоратадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жаҳонда глобаллашув жараёни кечаётган бир шароитда ҳар бир давлат нафақат табиий ва иқтисодий, балки инсон омили, жумладан, ёш авлодни тарбиялаш, шарт-шароитлар яратиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириб бормоқда. Хусусан, 2030 йилгача қабул қилинган умумжаҳон таълим Концепциясида “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” ғояси таълим олувчиларнинг ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, бу борада қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси, ЮНЕСКОнинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати¹, Европа олий таълим муассасалари сифатини бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болонья декларацияси

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.); ЮНЕСКОнинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995 й.)

дунё миқёсида таълим сифатини оширишда муҳим ўрин эгалламоқда.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат инсон ҳаётининг асосий мезонидир. Меҳнат туфайли инсон умргузаронлик қилади, жамиятда ўз ўрнини топади, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлади ва ниҳоят улуғликка эришади. Меҳнатсеварлик – инсоннинг ўз истеъдоди, қобилиятини, лаёқатини қўллаб, ўзи учун ва яқинлари, Ватани, миллати равнақи учун меҳнат қилишни севиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши, тинимсиз ўз малака, тажрибасини ошириб боришидир.

Миллий ҳунармандчилик ва урф-одатлар бирлигини такомиллаштириш методикаси, уни ташкил этишнинг мазмун-моҳияти, муҳандис усталарнинг ёш ҳунармандлар билан муваффақиятли ишлашининг психологик услублари, ўрта аср алломаларининг ҳунар ўрганишга алоҳида эътибор қаратганликлари, ёшларнинг миллий ҳунармандчилик соҳаларини ўрганишида аждодларнинг ҳунармандчиликдаги тажрибасидан фойдаланиш усуллари ҳақида тадқиқотчилар томонидан асарлар, мақолалар эълон қилинган.

Талаба ёшларни узлуксиз маънавий тарбиянинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам таништириб бориш, соғлом дунёкарашни шакллантириш каби узлуксиз маънавий тарбия концепциясини амалга ошириш¹ устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сонли “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли “Узлуксиз маънавий тарбия

концепция-сини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши долзарб аҳамиятга эга.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Таъкидлаш жоизки, миллий халқ хунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабати қадриятлар тизимини ташкил қилади. Олий таълим муассасаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш билан боғлиқ илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Ўқитувчилар таълимини аккредитациялаш бўйича Миллий кенгаш (АҚШ), Амалий этика институти (Канада), Париж-IX-Дофин университети (Франция), Оксфорд университети (Англия), Тойо университети (Япония), Корея таълимни ривожлантириш институти (Жанубий Корея), Москва давлат педагогика университети (Россия), Бош илмий-методик марказ (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Халқ анъанавий хунармандчилиги мавзуси бўйича амалга оширилган тадқиқотларда қуйидаги илмий натижаларга эришилган:

¹ Манбалар: Андреева Г.А. Модернизация системы высшего педагогического образования в Англии: Монография. – М.: ИТОП РАО, 2002. – 227 с.; Galligan A.M. Creativity, Culture, Education and the Workforce. – Center for Arts and Culture, 2001. – 36 p.; Corey G., Schneider-Corey, M., Callanan, P. Issues and ethics in the helping professions (7th ed.). Belmont, CA: Brooks/Cole, 2007. – 154 p.; Lynch, Lisa M. A Needs Analysis of Training Data: What do we want, what do we have, can we ever get it? NBER Conference on Research in Income and Wealth: Labor Statistics Measurement Issues. Ed.J.Haltiwanger, M. Manser and R. Topel. – Chicago: University of Chicago Press, 1998. P. 407.

– ҳунармандчиликнинг ўзига хос локал турлари, улар билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар, ҳунармандчилик рисолаларида устоз-шогирд анъаналари (Германия Замонавий шарқ маркази), ҳунармандчилик семантикасида рамзлар, элементлар семиотикаси аниқланган (Кембриж университети, Англия);

– ўзбек анъанавий ҳунармандчилигининг Россия мустамлакаси ва совет даври тарихини тадқиқ қилишда услубий ёндашувлар моҳияти ёритилган (Россия Фанлар академияси Этнология ва антропология институти);

– Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларининг каштачилик ва гиламчилигига оид маълумотлар тўпланган ва экспозициялар йиғилган (Канада тўқимачилик музейи, Торонто);

– амалий санъатнинг антропологик ёндашуви асосида тадқиқ қилишни илмий асослари ўрганилган (Миннеаполис санъат институти ва Виржиния Университети, АҚШ).

Олий таълим муассасаларида қадриятлар тизимини ривожлантиришга оид хорижда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган:

– ёшларда этник-маданий қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг педагогик механизмлари такомиллаштирилган (Ўқитувчилар таълимини аккредитациялаш бўйича Миллий кенгаш);

– ёшларда касбий қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг ахлоқий компонентини такомиллаштириш мезонлари аниқлаштирилган (Амалий этика институти);

– бўлажак ўқитувчиларда шахсий ва касбий қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг дидактик технологиялари ишлаб чиқилган (Париж-IX-Дофин университети), ёшларда касбий-қадриятли ориентацияни ривожлантиришнинг минтор модели ишлаб чиқилган (Оксфорд университети);

– ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида миллий қадриятлар ва анъаналарга аксиологик муносабатни таркиб топтиришга доир махсус курс дастурлари ишлаб чиқилган (Тойо университети);

– қадриятлар тизими диагностикасини такомиллаштириш йўналишлари аниқланган (Корея таълими ривожлантириш институти), бўлажак ўқитувчиларда педагогик маданиятни ривожлантиришнинг аксиологик концепцияси ишлаб чиқилган (Москва давлат педагогика университети);

– таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг андрагогик механизмлари такомиллаштирилган (Бош илмий-методик марказ).

Хорижда олий таълим муассасаларида қадриятлар тизимини ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ёшларда қадриятлар тизимини ривожланганлигини аниқлаш параметрлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; шахсга йўналтирилган таълим парадигмаси асосида қадриятлар тизимини ривожлантиришни такомиллаштириш; ёшларда қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг диагностик асосларини такомиллаштириш; ёшларда қадриятлар тизимини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш ва ҳоказолар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср охири XXI асрнинг дастлабки йиллари давомида жаҳон фани тараққиётида, хусусан мамлакатимизда ёшларнинг маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик, экологик, иқтисодий тарбияси, умумпедагогик, дидактик, касбий-маданий тайёргарлиги йўналишларида фалсафий, педагогик, психологик тадқиқотлар олиб борилди ва олиб борилмоқда. Бунинг натижасида ушбу йўналишда қатор қўлланмалар, рисоалар чоп этилди.

Муаммонинг фалсафий-маърифий асослари мамлакатимиз файласуф-олимлари А.Жалолов, Н.Жўраев, М.Имомназаров, Т.Маҳмудов, Қ.Назаров, О.Отамуродов, И.Саифназаров, Ж.Туленов, М.Хайруллаев, С.Шермухаммедов, А.Эркаев, Э.Юсупов, М.Қуронон, А.Қодиров, Н.Қувватов¹, социологлар, Н.Алиқориев, Ҳ.Аҳмедова, М.Бекмуродов, А.Бегматов, маданиятшунос-олимлар М.Абдуллаев, Ҳ.Абдуллаев,

¹ Саифназаров И. Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоти. – Т.: Шарқ, 1996; Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996; Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси. Т. Маънавият, 2000; Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2002; Қуронон М. Миллий тарбия. – Т.: Маънавият, 2006; Қодиров А. Анъанавий жамиятни модернизация қилиш стратегияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2008; Қувватов Н. Ўтиш даври тафаккури. – Т.: Маънавият, 2006; Эркаев А. Ўзбекистон йўли. . – Т.: Маънавият, 2011; Шермухаммедов С. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти. –Т.: “Маънавият”, 1998. – 30 б.; Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 47 б.; Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – 448 б.; Назаров Қ. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 122 б.; Туленов Ж., Қодиров Б., Ғафуров З. Маънавий юксалиш сари. – Т.: “Меҳнат”, 2000. – 192 б.; Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – 319 б.; Бекмуродов М.Б. Ўзбек менталитети. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. – 36 б.; Каримов И. Миллат шаъни. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2005. – 24 б.; Умаров А. ва бошқ. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001. – 39 б.; Юсупов Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 32 б.; Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: “Университет”, 1998. – 184 б.

А.Алимухаммедов, Х.Каримов, М.Мирюсупова, З.Собирова, Ў.Тоштемиров, ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида маълум даражада ўз ифодасини топган. Ёшларда қадриятлар тизимини ривожлантиришнинг социологик асослари А.Бегматов, М.Бекмурадов, В.Канке, Ж.Ким, М.Каххарова, Қ.Назаров, Н.Розов, И.Сурина, Ж.Туленов, Э.Юсуповлар томонидан тадқиқ этилган¹.

Масаланинг ахлоқий-эстетик тарбия ва маданият, маънавий маданият, миллий ифтихор, урф-одатлар, ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш Б.Адизов, О.Жамолдинова, И.Исаев, Ш.Мардонов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Д.Рўзиева, В.Сластенин, Б.Ходжаев, Ш.Шарипов, Ш.Шодмонова, Е.Шиянов, Н.Шодиев, Н.Эгамбердиева, М.Қуронов, тарбия асослари ва миллий тарбия масалалари С.Очилов,

¹ Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: Шарқ, 2000. – 94 б.; Бегматов А. Тарбия жараёни ва педагогик диагностика.// “Халқ таълими” журнали, 2007 йил, 5-сон.; Бегматов А. Ўзбекистон халқи маънавияти. (Ўқув қўлланма). – Т.: 1995. – 104 б.; Бекмурадов М. Роль общественного мнения в социальнокультурном развитии общества: Автореф. дисс... д-ра соц. наук. – Т., 1997. – 42 с.; Канке, В.А. Этика ответственности. Теория морали будущего. – М.: Логос, 2003. – 352 с.; Kim J. The Koreans: Their Mind and Behavior. – Seoul: Kyobo Book Centre Co, 1991. – 236 p.; Каххарова М. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар. Автореф. ... фал. фан. док. – Т., 2012; Назаров Қ. Қадрият тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксиологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари): Фалс. фан. д-ри... дисс. – Т., 1996. – 311 б.; Розов Н. Ценности в проблемном мире: философские основания и социальные приложения конструктивной аксиологии. – Новосибирск: Изд-во Новосибирского ун-та, 1998. – 292 с.; Сурина И. Ценности. Ценностные ориентации. Ценностное пространство: вопросы теории и методологии. – М.: Социум, 1999. – 183 с.; Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 72 б.; Юсупов Э. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 175 б.

М.Қуронов, Ф.Норбоевалар, Қ.Қурбонбоев¹нинг ишларида тадқиқ қилинган.

Муаммонинг психологик жиҳатлари Ш.Баротов, М.Давлетшин, В.Каримова, В.Крутецкий, Н.Кузьмина, Е.Климов, А.Петровский, Р.Суннатова, Ғ.Шодмонов, Э.Ғозиев ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Бўлажак ўқитувчиларда қадриятлар тизимини ривожлантириш масаласининг ўзига хос жиҳатлари О.Абдулина, О.Абдуқуддусов, А.Воробьёв, Р.Джўраев, У.Иноятов, Н.Муслимов, У.Нишоналиев, Х.Рашидов,

¹ Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед. фан. док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.; Жамолдинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Автореф.... пед. фан. док. – Т., 2015. – 86 б.; Исаев И. Профессионально педагогическая культура преподавателя. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. – 208 с.; Марданов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 302 б.; Махкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фан.док. ...дисс. – Т., 1998. – 287 б.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фан.док. ...дисс. – Т., 1993. – 364 б.; Нишонава С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: Пед.фан.док. ... дисс. – Т., 1998. – 288 б.; Сластенин, В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Издательский центр «Академия», 2003. – 192 с.; Рўзиева Д. Олий таълим муассасаси талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2007. – 255 б.; Ходжаев Б. Педагогик аксиология. – Т., –Fan va texnologiya|| нашриёти, 2012. – 165 б.; Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дис. автореф. –Т., 2012. – 46 б.; Шодмонова Ш.С. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида): Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2010. – 340 б.; Шиянов Е. Формирование мотивационно-ценностного отношения студентов к педагогической деятельности: дис. канд. пед. наук. – М., 1992. – 165 с.; Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2010. – 332 б.; Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 1998. – 316 б.

В.Селастенин, Ш.Шарипов, Э.Чориев, Ў.Толипов, Ф.Юзликаев, А.Ходжабаевлар томонидан ишлаб чиқилган¹.

Б.Зиёмуҳаммадов, З.Исмоилова, У.Маҳкамов, С.Нишонова, С.Очил, А.Рўзметов, Э.Сеитхалиловлар, М.Қуронов ва Ш.Қурбонов сингари педагог-олимларнинг докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳамда илмий тадқиқотларида талаба ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, маънавий қадриятларни ривожлантириш, ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш, педагогик фикр тараққиётида комил инсон ғояси, олий ўқув юртларида таълим ва

¹ Баротов Ш.Р. Ўзбекистонда психологик хизмат ташкил этишнинг ижтимоий-психологик ва илмий-амалий асослари: Псих. фан. док. ... дис. – Т., 1997. – Б. 13-15.; Давлетшин М.Г., Жалилова С.И. Олий мактабда таълим жараёни самарадорлигининг психологик томонлари – Т.: ТДПУ, 2001. – 10 б.; Жабборов А.М. Педагогик технологиянинг этник асослари. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 48 б.; Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Тошкент, 1994. – Б. 48-54; Кунц Л. Профессиональная направленность как фактор формирования образа будущей профессиональной деятельности (на примере студентов-психологов): дис. ...канд. психол. наук. – Новосибирск, 2005. – 243 с.; Митина Л. Личность и профессия: психологическая поддержка и сопровождение. – М.: Издательский центр «Академия», 2005. – 350 с.; Сафаев Н.С. Духовность и национальное самосознание личности. Монография. – Ташкент: Фан, 2004. – 211 с.; Серый А. Ценностные ориентации личности в структуре профессионально значимых качеств практических психологов: автореф.дис. ...канд. псих. наук. – Иркутск, 1996. – 25 с.; Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. – Тошкент, 2010. – 360 б.; Шаров А. Система ценностных ориентаций как психологический механизм регуляции жизнедеятельности человека: дис. д-ра психол. наук. – Новосибирск, 2000. – 383 с.; Шоумаров Г.Б. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизмат муаммолари //Янги турдаги ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. – Тошкент, 1998. – Б. 13-15.; Wilson B. The shuttle between emotion and cognition: Risk, resiliency, and physiological bases. In E.M. Hetherington & E. A. Blechman (Eds.), Stress, coping, and resiliency in children and families / B.J. Wilson, J.M. Gottman. – Hillsdale, NJ: Erlbaum, 1996. – pp. 189–228.

тарбия каби масалалар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган¹.

Таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган муаммога доир қатор санъатшуносий, археология², ўлкашунослик³, тилшунослик⁴ ва фольклоршунослик⁵ ва бошқа йўналишларда тадқиқотлар⁶ олиб борилган.

¹ Нишанова С. Воспитание совершенного человека в развитии педагогической мысли эпохи Возрождения Востока. – Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – Т.: ТИИМСХ, 1998. – 35 с.; Маҳкамов У. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари. П.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. / А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институти. – 1998. – 286 б.; Зиёмуҳаммадов Б. ва бошқалар. Маънавият асослари. (Дарслик). – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2000. – 192 б.; Қуроноф М. Ўзбекистон умумий ўрта мактабларида миллий тарбиянинг илмий педагогик асослари. – П.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: 1998. – 316 б.; Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров: влияние на развитие общества. – Т., «Университет», 1999; Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э., Қурбонов М. ва бошқ. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. – Т.: “Академия”, 2002. – 280 б.; Рустамова Р.Ш., Бегматов А.С. Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий тадбирлар. Рисола. – Т.: “Маънавият”, 2007. – 64 б.; Рўзметов А. Маданиятда менежмент ва иқтисодиёт асослари. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1998. – 208 б.; Исмоилова З.К. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари (“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” асари асосида). П.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган илмий маъруза шаклидаги дисс. – Т., 2006.

² Аскарлов А. Археологические материалы по истории земледелия в Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1975. – С. 95-101; Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент: Фан, 1979. – 112 с.; Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – 339 б.

³ Устаев Ш. Дни недели в поверьях народов южного Узбекистана // Краеведение Сурхандарьи. – Ташкент, 1989. – С. 146-155.

⁴ Икромов Н.М. Узбекская кулинарная лексика. – Ташкент, 1989. – 68 с.; Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1991. – 119 б.

⁵ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 213 б.; Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклоридан очерклар. – Тошкент, 1986. Т.1. – Б. 152-223.

⁶ Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Меҳнат, 1991; Домбровский Г. Сюзане – вышивка из Средней Азии // Наследники Шелкового Пути. Узбекистан. – Штутгарт, 1995. – С. 263-282; Хакимов А., Гюль Э. Байсун. Атлас художественных ремёсел. – Ташкент, 2006; Турсунов С.,

Анъанавий ҳунармандчиликка бағишланган махсус ишлар яратилмаган бўлса-да, муаммонинг тарихий жиҳатлари ёритилган асарлар мавжуд¹.

Ўзбекистон мустақиликка эришгандан миллий қадрият ва анъаналарни ўрганишга кенг йўл очилиб, мавзуга оид қатор илмий асарлар яратилди ва яратилмоқда. Мустақиллик даврида ватан тарих-шунослигида бажарилган илмий нашрлар янги назарий-методологик йўналишлари ва турли-туман кенг мавзуларда бажарилганлиги билан ажралиб турувчи алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Мазкур гуруҳга кирувчи адабиётларда совет даврига хос кўплаб салбий хусусиятлардан холи бўлган янги назарий методологик қарашлар илгари сурилди ва муаммолар янада чуқурлаштирилган ҳолда тадқиқ қилинди. Хусусан, Маҳмуд Саттор ўзбек халқининг урф-одатлари, меҳмондўстлиги, дастурхон одоби каби гўзал удумларга тўхталиб ўтса², И. Жабборов ўзбек халқининг ҳунармандчилиги, миллий таомлари ва

Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Akademnashr, 2011; История Узбекистана (XVI – первая половина XIX) / Отв. ред. Д.А. Алимова. АН РУз Ин-т истории. – Т.: Фан, 2012; Қобилов Э. Сурхондарё хўжалиги. – Тошкент, 2012; Турсунов С.Т., Пардаев Т ва б. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. Тошкент, 2013; Ўша муаллиф. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2014. – 356 б.

¹ Захаров С.М., Собиржонов А.С. Қарши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978; Қобилов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз, 1993; Жўрақулов О., Эргашева Ж. Қашқадарё саноати тарихи. – Қарши, 1996; Ртвеладзе Э.В., Аминов М. Сурхондарё. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996; Сагдуллаев А., Аминов М., Якубов Б. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997; Турсунов С. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001; Ҳакимов Н., Жўрақулов О. Шаҳрисабз тарихи. – Қарши: Насаф, 2001; Шаҳрисабз – минг йиллар мероси. – Тошкент, 2002; Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистонинг қадимий шаҳри. – Қарши: Насаф, 2006.

² Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Фан, 1993. – 221 б.

пазандачилигига маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида қарайди¹.

Этнограф олима М.Б.Қурбонова тадқиқотида Бухоро воҳаси ўзбек ва тожиклари анъанавий таомларининг турлари, тайёрланиш усуллари ҳамда улар билан боғлиқ урф-одатларни бой дала этнографик материаллар асосида батафсил ёритиб берган². Шунингдек, Тошкент шаҳри ўзбекларининг озиқ-овқатлари ва маросимлари шаҳар маҳаллалари мисолида таҳлил қилинган³.

Умуман олганда, бажарилган илмий ишларда у ёки бу жиҳатлар баён қилинса-да, айти пайтда ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштириш масаласига доир чуқур таҳлил мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг мақсади ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлигини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.; Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 207 б.

² Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фанлари номзодлик ... дисс. – Тошкент, 1994. – 158 в.

³ Арифханова З.Х. Современная жизнь традиционной махалли Ташкента. – Ташкент, 2000. – 30 с.; Ўша муаллиф. Постсоветские трансформации в обрядово-ритуальной жизни узбеков (на материалах полевых исследований г. Ташкента) // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Тошкент, 2004. – С. 183-190; Ўша муаллиф. Тошкент ўзбекларининг озиқ-овқати // Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 104-113; Арифханова З., Зунунова Г. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. – Ташкент, 2006. – 92 с.; Зунунова Г.Ш. К вопросу о ритуальной обрядности узбеков // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2002. – № 1. – С. 72-78.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлигини такомиллаштиришнинг илмий-назарий, методологик ва методик ёндашувларнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги, маънавий қадриятлар ривожланганлигини аниқлаш параметрларини такомиллаштириш;

ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлигини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш;

ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлигини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш бўйича илмий, методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги, маънавий қадриятларни такомиллаштириш жараёни белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги, маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришнинг шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога оид илмий, методик, педагогик адабиётлар, манбалар, ДТС, ўқув режа, фан дастурлари, дарсликларни, миллий ва хорижий тажрибаларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбат, анкета, тажриба-синов, натижаларнинг математик статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини, маънавий қадриятларни ривожлантириш миллий ғоя тарғиботини ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятларини аниқлаштириш орқали амалга оширилди;

ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатлари, маънавий қадриятларни ривожлантириш даражаси, касбий аҳамиятли сифатлари миллий ва умуминсоний қадриятларга мослаштириш орқали такомиллаштирилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларининг дидактик таъминотини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик асослари, омиллари, тамойиллари аниқланган;

ёшларда маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг дидактик таъминоти, таълим технологияси модели таркиби ва мазмуни талабаларнинг адабий билим, кўникма ва малакалари асосларини шакллантиришга қаратилган адаптив, инновацион тузилмаларнинг киритилиши асосида ёндашилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижда яратилган педагогика ва махсус педагогикага оид илмий ва илмий-методик тадқиқотларга,

шунингдек, амалиётчи-ўқитувчиларнинг тажрибасига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, тажрибасинов ишларининг репрезентативлиги ҳамда илгари сурилган илмий ғояларнинг ўтказилган тажрибасинов натижаларидаги ижобий ўзгаришлар билан тасдиқланганлиги, ҳаққонийлиги ва ишончлилиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва тавсиялардан ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини, маънавий қадриятларни ривожлантириш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

БИРИНЧИ БОБ

ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА УРФ-ОДАТЛАР БИРЛИГИ МУНОСАБАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

I.1. Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш ижтимоий-педагогик зарурат сифатида

Ёшлигидан ҳунар эгаллаш, ҳалол умргузаронлик қилиш, авлодларга ҳунар ўргатиш борасида мактаб яратиш масаласи мутафаккирларимиз асарларида, ўғитларида ҳамиша ўз ўрнига эгадир.

Тарихий тараққиётдан маълумки, инсон ҳаётда ўз ўрнини топа олиши учун ёшлигидан илму-одобга, касб-ҳунарга ўргатилган. Оилада болани меҳнатга, ҳунар ўргатишга жуда катта эътибор билан қаралган. Бу борада насиҳатлар, ўғитлар, дostonлар, ривоятлар яратилган. Ҳадиси Шарифда “Худди илм олиш фарз бўлгани каби касбу ҳунар ўрганиш ҳам фарздир”, “Касб-ҳунар исташ ҳар бир мусулмон зиммасига фарздир”, деб таъкидланади.

Имом Бухорий Ҳадисларида турли касб ҳунарларни эгаллаш масаласи ёритилади. Ислom фалсафасида ҳар бир киши ким бўлишидан қатъий назар, бирор ҳунар билан машғул бўлиши раво кўрилади. Агар ўтмишга назар ташласак, уламо, муҳаддис ва бошқа ислom дини вакиллари, хусусан, авлиё ва орифлар муайян касбни эгаллаб, шуни

орқасидан умргузаронлик қилганлар. Улар нафақат ҳалол меҳнат қилиб, ўзларини таъминлаганлар, балки муҳтож ва камбағалларга хайр-эҳсон қилганлар. Улар деҳқончилик, темирчилик, этикдўзлик, дурадгорлик, кулолчилик, наққошлик, чорвачилик ва бошқа ҳунарлар билан машғул бўлганлар. Ҳар бир ҳунар миллий урф-одатларни ўзида мужассамлаштирган.

Имом Бухорий ҳадисларида турли касблар орасида савдогарлик, тижоратчилик ва уларнинг хулқ одоби ва йўл йўриқлари масаласига кенг ўрин ажратилади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳунарымандлар ҳам ўзлари бунёд этган буюмларни сотишда, албатта, эҳтиёткор бўлишлари, бировни алдамасликлари, ишлаб чиқарган молларининг сифатига катта эътибор беришлари лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Тижоратчилик ва бозорлардаги савдо-сотиқнинг ўз ахлоқ кодекси ва қонун қонидлалари ишлаб чиқилган. Улар турли тарихий манбаларда сақланиб, бизнинг давримизгача етиб келган.

Имом Бухорийнинг ҳадисларида савдолашишнинг турли қоидалари, уларга амал қилиш тўғрисидаги фикрлар ўз аксини топган¹. Умуман олганда, ислом динида тарозидан уриб қолиш катта гуноҳ саналади. Имом Бухорий ҳадисларида касб-ҳунар эгаллаш, унинг ахлоқий қоидалари, тижоратчилик тўғрисида келтирилган фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки буларнинг барчаси халқнинг урф-одатларига таянади ва ривожланади.

Абу Наср Фаробий инсоннинг камолотга ва бахт-саодатга эришувида ҳунарни ўрни, касбий малакага эришиш учун қандай воситалардан фойдаланиш

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ, 2-жилд. Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.

лозимлиги ҳақида фикр билдиради. У “Фозил шаҳар аҳолиси қарашлари”, “Бахт саодатга эришув ҳақида”, Буюк кишиларнинг нақллари” ва бошқаларда ҳунар эгаллаш, камолот, фазилат ва бахт саодатга эришув йўллари ҳақида баён қилади. Фаробий касб ҳунардa камолотга эришиш учун яшаш давомида қўлга киритилган фазилатлар, машаққатли меҳнат орқасида эришиладиган малакалар муҳим роль ўйнашини таъкидлаган. “Инсон, – дейди Фаробий, – ҳеч қачон туғилишидан яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди, шунингдек, ҳеч қачон тўқувчиликни ё хаттотликни билиб туғилмайди, бироқ ҳар бир кишида бирор бир соҳа бошқа соҳаларга нисбатан енгилроқ саналади, ана шу сабабли инсон одатда ёзиш ёки бошқа ҳунарларга, ўзига қулай бўлган ҳунарларга ёшлигидан мойил бўлади ва шу соҳага у интилади.....”¹. “Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий кўникмаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-ҳунарга жалб этса, демак, улар касб-ҳунарнинг чинакам ошиғи бўладилар”².

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида табақалар асосида бойлик ва насл насаб улуғлиги эмас, балки тегишли вазифа – машғулот ва ҳунар ётмоғи лозим деб таъкидлаган.

“Икки кишининг чеккан ташвишлари бесамар ва қилган ишлари бефойда бўлиб чиқади: бири – бойлик тўпласа-ю, фойдалана олмаса; иккинчиси – илм

¹ Фаробий. Бахт-саодатга эришув ҳақида. Рисолалар. – Т.: “Фан”, 1975.

² Фаробий. Буюк кишиларнинг нақлларида. Рисолалар. – Т.: “Фан”, 1975.

ўрганса-ю, унга амал қилмаса”, деб таъкидлаган эди Саъдий Шерозий. Ҳунар илми бошқа илмлар сингари инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эгадир.

Тарихий тараққиёт давомида устозидан касб-кор ўрганиб, ҳалол меҳнат қилган шогирдларни халқимиз жуда ҳурмат қилган. Доно халқимиз “Устозидан ўзмаган шогирд – шогирд эмас”, “Ҳунарли киши асло хор бўлмас”, “Устоз отадек улуғ”, “Таълим берган устозингдан айрилма” сингари мақолларни ижод этганлар ва фарзандаларининг баркамол бўлиб улғайишини орзу қилганлар.

Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ишининг муҳим омилларидан бири уларга касблар, ҳунарлар ҳақида маълумот беришдир. X-XV асрларда форс тилидаги манбаларга Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”, Низом ул-Мулкнинг “Сиёсатнома”, Рашидуддиннинг “Жомеъ ат-таворих”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларида, шунингдек XVI-XIX асрлардаги Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, мулла Шодийнинг форс-тожик тилида чоп этилган “Фатҳнома”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” асари ва бошқа асарларда халқнинг урф-одатлари ҳамда ҳунармандчилик соҳаси тараққиётига доир қимматли маълумотлар бор.

XVIII аср ўрталари ва XIX асрнинг 70-йилларида Бухоро амирлигида турли касб-ҳунар эгалари мавжуд бўлиб, ҳунармандчилик соҳаларини бирлаштирган уюшмаларни “бобо” ва оқсоқоллар бошқарган. Бобо яхши обрўга эга бўлган юқори малакали уста ҳисобланган. Бухоро аҳолиси “бобо”ни “пирзода” ёки “рисолачи” деб аташган. Барча ҳунарлардаги “бобо”

вазифасини бажарувчи усталар ўз ҳунарларига оид “рисола”ни ёддан ва тўлиқ билишлари шарт бўлган¹. Бобо ҳафтанинг пайшанба ва якшанба кунлари қўлида “рисола” билан ўзига тегишли бўлган барча дўконларга бирма бир кириб чиққан ва дўконларда фаолият кўрсатадиган шогирдлардан “рисола”да баён қилинган барча қонун-қоидаларга қатъий риоя қилишни талаб қилган. Рисолада ҳунарнинг урф-одатлар билан ўзаро уйғунлиги ўз аксини топган бўлиб, шогирдларни миллий ахлоқий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда аҳамияти беқиёс бўлган. Устозини қаттиқ ҳурмат қиладиган, ҳалол ризқ ила меҳнат қиладиган, саховат кўрсатадиган шогирдлар халқ орасида жуда катта обрўга эга бўлган. Саъдий айтганидек: “Ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир. Чунки, ҳунарнинг ўзи давлатдир, ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади”².

XX аср бошларида миллий халқ ҳунармандчилигига оид бир неча асарлар яратилган. Жумладан, 1924-1926 йилларда “Ўрта Осиёнинг ҳозирги қишлоғи” туркумида кўп жилдлик китоб нашр қилинди. 20-йилларда ўзбекларнинг анъанавий ҳунармандчилик соҳасини ўрганувчи, амалий безак санъатини тадқиқ этган асарлар пайдо бўлди. Унда миллий ҳунармандчилик соҳаларининг халқ урф-одати уйғунлигида тараққий қилганлигини кўриш мумкин.

¹ Қиличев Р.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик. – Т.: 1997. – Б. 124.

² Саъдий. Гулистон. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1998.

XX асрнинг 80-йиллари охирларига келиб жанубий ҳудудларда миллий ҳунармандчиликнинг мактаб ва марказлари, аксарият турлари деярли унутила бошланди. Мазкур жараён жамиятда кечган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Жумладан, Шаҳрисабз кулолчилик маркази ва сопол ўйинчоқлар ясашга ихтисослашган Касби кулолчилиги давр ўтиши билан йўқ бўлиб кетди. Гилам тўқиш (оқ энли ва жулхирс, Бойсун тумани), мисгарлик, шишасозлик, чит тўқиш, каштачилик каби ҳунармандчилик турлари ҳам унутилди. Уста ҳунармандлар ишлаб чиқариш корхоналарига, иш ҳақи кўп, меҳнати нисбатан енгил бўлган бошқа соҳаларга ўтиб кетдилар. Халқ ҳунармандчилигидаги ўзгаришлар гарчи айрим ҳолларда янги шаклларни ўзлаштиришлар бўлган бўлса-да, 1991 йилгача давом этиб мавжуд анъаналарни йўқ қилиш ҳисобига эмас, балки ҳудудларнинг локал анъаналарга мослашуви доирасида юз берган. Малумки, совет бошқарув ташкилотлари ҳунармандларни кооперативлар, артелларга бирлаштирсалар-да, уларга етарлича эътибор берилмади, ҳунармандларнинг малакаси оширилмади ва янги техника билан жиҳозлаш имкони бўлмади. Натижада уларнинг моддий техник базаси заифлашиб борди.

Ўзбекистонда қадимдан ҳар бир воҳанинг ҳунармандчилик марказлари вужудга келиб шаклланган. Қадимдан Бухорои шарифда ҳам миллий халқ ҳунармандчилиги йўналишлари жуда тараққий қилган. Бухорода ҳар бир маҳалла ҳунарнинг номи билан аталган, жумладан “мисгарон”, “бўйробофон”, “заргарон”, “кемихгарон” ва бошқалар. Ҳар бир ҳунар миллий урф-одатлар билан ҳамоҳанг равишда

ривожланиб келган. Айниқса, Бухоро мисгарлик маҳсулотлари диққатга сазовор бўлган. Мисгарликнинг худди кулолчилик ва косагарлик, кўзагарлик, заргарлик (тақинчоқлар яшаш) каби тармоқлари жуда ҳам ривожланган. Бухорода Ўрта Осиёнинг бадий ва амалий санъат мактаби мавжуд бўлганлиги хусусида Р.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпеллар томонидан 1965 йилда Москвада чоп этилган “История искусств Узбекистана” номли китобида эътироф этилган.

Бу даврда ўзбек ҳунармандчилигининг трансформацияси бир томондан тараққиётга мослашиш (адаптациялашиш), иккинчи томондан эса совет ҳокимияти маъмурий-буйруқбозлик фаолиятининг натижаси эди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш, унутилиб бораётган йўналишларини қайта тиклашга, утоз-шогирд муносабатларига катта эътибор қаратилмоқда.

Барча таълим муассасаларида амалга оширилдиган касбий тарбия шахсни шакллантириш жараёнидир. Тарбиянинг таркибий қисмларига: мафкуравий, экологик, меҳнат, ахлоқий, жисмоний, ақлий ва эстетик тарбиялар киради. Касбий тарбия дарс ва дарсдан ташқари фаолият жараёнида амалга оширилиб, касбни ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия жараёнини педагогик йўналтиради. Шундай қилиб, касбий тарбиянинг бош мақсади ёшларнинг меҳнатга ва касбий фаолиятга бўлган эҳтиёжларини шакллантиришдан иборатдир.

Статистик маълумотларга кўра, 50 мингдан зиёд касб-ҳунар мавжуд экан, бу касб-ҳунар инсониятнинг

талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни қондиришга хизмат қилади¹.

Тарихий тараққиётдан маълумки, касб-ҳунар, албатта, урф-одатларни ўзида мужассам этади. Миллий ҳунармандчилик урф-одатлар бирлиги асосида намоён бўлади. Тадқиқотчи М.Умарова “Ўзбек миллий оилаларига хос бўлган муомала маданияти, оилавий анъаналар, удум, расм-русумлар ўсиб келаётган авлод онгига тушунчалар, аниқ билимлар, англаган муносабатлар тарзида сингдирилса, улар ўсмирда оилавий қадриятларга нисбатан мутаносиб ижтимоий тасаввурларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди”² деб таъкидлайди. А.Мухсиева таъкидлаганидек, “Оила ҳуқуқий ва маънавий ахлоқий асослар негизида барпо этилади, демократик тарбия негизларига асос солинади. Оила муҳитида янги авлодларнинг маънавий-ахлоқий талаб ва эҳтиёжлари қарор топади, оилавий анъана ва қадриятлар шаклланади... Оила ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида ўз шажарасининг миллий қадриятларини сақловчи, ижодий ўзлаштирувчи, замонавийлаштирувчи ва бойитувчидир”³.

Ҳунармандчилик кўп йиллик анъана ва қадриятларга эга бўлиб, ўзида аҳоли турмуш тарзи, талаб ва эҳтиёжи, маданияти, маънавияти ҳамда жамиятдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни

¹ К.У.Нажмиддинова. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Т.: “Адолат”, 2016. – Б. 77.

² Умарова М.М. Ўсмирларда оилавий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари: Дис. ...психол. фан. номзоди: 19.00.05/ ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ. – Т., 2004. 10–11-бетлар.

³ Мухсиева А.Ш. Оилада миллий тарбия жараёнининг методик асослари: Дис. ... пед. фан. номзоди: 13.00.06/ ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги ТДПУ. – Т., 2005. – 21-бет.

акс эттирибгина қолмай, балки халқ ҳаёти ва турмушининг барча жабҳаларини қамраб олган аҳоли дунёқараши ва миллий тафаккурининг нечоғли теран эканлигини ҳам намоён этади. С.Т.Давлатова¹ тадқиқотларида анъанавий ҳунармандчиликда рамз, белги ва шакллар, уста-шогирд анъаналари ва ҳунармандчилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар семантик-семиотик ёндашув асосида тадқиқ қилинган.

Маълумки, халқ амалий санъатида ҳар қандай тасвир ва ранг маълум бир маънога эгадир. Ҳунармандчилик буюмларида акс этган рамз, тасвир ва белгилар ифодаланган элементларда кишиларнинг маънавий дунёси, диний ва руҳий қарашлари, табиат ҳодисалари ҳақидаги кенг дунёқараши ўрин олган. Ҳунармандчилик буюмларидаги безак, шакл ва нақшларни каштачилик, гиламдўзлик, заргарлик, меъморчилик, ёғочга ишлов бериш, кулолчилик, наққошлик ва бошқа ҳунар турларида кўриш мумкин. Ўзбек кашталарида ўсимликсимон нақшлар, фазовий жисмлар, мева ва ҳайвонларнинг услублаштирилган тасвирлари, байтлар, нақшларни ҳам кўриш мумкин. Совет даврида кишиларнинг қиёфалари, меъморий обидалар акс эттирилиши билан бирга эркак ва аёлни эслатувчи антропоморф (одам) шакллар тасвирлана бошланди. Унга кўра, аёл замин рамзини, эркак ва аёлнинг бирлиги эса, само ва заминнинг ўзаро иттифоқидан икки дунё бирлашиб, оила вужудга келишини ифодалаган. Бундай нақшлар асосан икки ёшнинг бахтли ва тотув яшашига, фарзанд кўришига

¹ С.Т.Давлатова. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (XIX асрнинг иккинчи ярми ХХI аср бошлари). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2019. – 29-бет.

ишорадир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари кашталарида ёш қиз тасвири гўзаллик тимсоли сифатида ҳам қадрланади.

Марказий Осиё гиламларида ўсимликсимон, геометрик, зооморфик, предметли ва уруғли тамғалар кўринишида нақшлар: йўлбарс ва туя излари, итнинг думи, олма гуллари, ток новдаси, чаён, туябўйин, қалқон, шифобахш (даволовчи) ва озуқали ўсимликлар шаклида акс эттирилган. Айниқса, нақшлар орасида энг кўп қўлланиладигани шох белгиси бўлиб, бу кўчманчи туркий халқлар маданиятида жонзотларни тасвирлаш анъанаси билан боғлиқдир. Туркий халқлар орасида қўй қадимдан инсонларни бало-қазолардан асровчи илоҳий жонивор ҳисобланган. Шунингдек, қўчқор зардуштийлик динида хонадон эгаларини саломатлигини қўриқлаб турувчи илоҳий маъбуд сифатида талқин этилган. Кулоллар ясайдиган тандирлар сиртига ҳам инсонни ҳимоя воситаси сифатида қўчқор шохларининг рельеф тасвири туширилган.

Кашталарда қуёш тимсолини акс эттириш тарихий-анъанавий моҳият касб этиб, орзу-умид рамзи сифатида аجدодлардан авлодларга ўтиб келган. Чунки афсоналарда қуёш ва ой бир-бирига қарама-қарши томонларнинг бирлашуви рамзи бўлиб, эр-хотин, аёл-эркак, ака-сингил, иссиқ-совуқ ҳамда олов ва сув тушунилган. Семиотик ёндашувнинг асосий тушунчаларидан бири код атамаси француз этнологи К.Леви-Строс томонидан муомалага киритилган¹. Код маданият факти (далили)нинг унга хос бўлган рамзий мазмуни билан алоқаси ва дунёқараш билан

¹ Леви-Строс К. Структурная антропология./ пер. с фр. Иванов В.В. – М., 1985. – С. 53.

боғлиқлиги тушунилади. Масалан, шогирднинг ўз устозига белбоғ боғлаши ва ўз навбатида, устозининг шогирдига усталикни давом эттириши учун белбоғ боғлаши ана шу код вазифасини бажарган. Жанубий ҳудудлар анъанавий ҳунармандчилиги семантикаси ва семиотикасини тадқиқ этиш кишилар дунёқараши, диний эътиқоди билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар моҳиятини англашга ёрдам беради ҳамда айрим удумларни маданий мерос сифатида қайта тиклашга кўмаклашади.

Ҳар бир соҳа ҳунармандлари ўзининг муайян ижтимоий ташкилот (бирлашма)ларига эга бўлиб, маҳаллий аҳоли орасида “касаба” деб юритилган¹ ва ўзига хос ички бошқарув органи сифатида муҳим ўрин тутган. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар асосан уста, ёлланма усталар ва шогирдлардан иборат бўлган. Ҳунармандчилик уюшмаларида унинг аъзолари томонидан йиғилган пул ҳисобига қурилган касаба уйи – тақия мавжуд бўлиб, унинг яшаш хонаси – ҳужралар ва чойхонадан иборат бўлган. Тақия уюшма клуби вазифасини ҳам бажариб, у ерда ишчи ва ҳунармандлар ҳордиқ чиқарганлар. Тақия бирлашма, уюшма сифатида ҳунармандларга ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-руҳий ёрдам, кўмак берадиган ташкилот ҳисобланган. Туркистонда мустамлака даврида бундай тақиялар кераксиз анъаналар тарзида қаттиқ қораланиб, уларнинг сони анча қисқариб кетган.

Марказий Осиё ҳунармандчилигида шогирдликка олиш тўғрисидаги шартномалар ёзма шаклда ҳамда шогирдлик муддати қисқароқ (5 йил муддатгача)

¹ Пещерова Е.М. Гончарное производства Средней Азии. – М. – Л.: АН СССР, 1959. – С. 311.

тузилганлиги хақида маълумотлар (XVI аср) мавжуд бўлса-да, ёзма ҳужжатлар имзоланмаган¹. Жумладан, жанубий ҳудудлар заргарлиги (XIX–XX аср бошлари)да ҳам четдан олинган шогирдлар мавжуд бўлган, ҳунар ўрганиш муддати эса, 10 йилдан 15 йилгача чўзилган. Кулолчилик, чармгарлик, темирчилик, қурувчилик касблари эса оғир меҳнатни талаб қилганлиги учун шогирдликка 16-17 ёшдан, заргарлик, зардўзлик, кандакорлик, каштадўзлик, дўппидўзлик ҳунарларида 10-14 ёшдан қабул қилиниб, ҳунар ўрганиш устанинг ҳохишига, касбнинг оғир-енгиллигига қараб, 4-7 йилдан 10-15 йилгача чўзилиши мумкин бўлган.

XX аср бошларида шогирдларнинг аҳволи анча яхшиланган бўлиб, ҳунармандчилик корхоналарида ишлаётган 17 ёшгача бўлган шогирдлар умумий овқатланиш вақтидан ташқари 3 соат мактабда ўқиб келишга ҳақли бўлган. Ҳунармандчиликнинг ривожланишида инсон омили муҳим бўлиб, бу уста-шогирд муносабатларида алоҳида ўрин тутган. Ҳунармандчиликнинг халқ амалий санъати даражасига кўтарилишида бундай анъаналарнинг ўрни бор. Бунда асосан, анъанавий ва ноанъанавий ҳунар турларининг замонавийлиги, модернизацияси, қолаверса, улар ўртасидаги уйғунлик кўзга ташланади. Ҳунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – ҳар бир соҳанинг ҳомийси ва ҳунармандлари эътиқод қиладиган пирларига эга бўлишидир. Жумладан, устахонаси йўқ, ёлланиб ишлайдиган уста-халфа ва шогирдларнинг пири Баҳоуддин Нақшбанд бўлган. Игна билан ишловчилар, яъни тикувчи, этикдўзлар Бобо Порадўзни ўзларига

¹ Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конец XV–XVI в. – Ташкент: “Фан”, 1985. – С. 81.

пир деб ҳисоблайдилар. Қолаверса, ҳунармандчилик устахоналарида озодаликка риоя этиш, меҳнат қуролларини тартиб билан жойлаштириш, жамоатчилик анъаналарига риоя этиш каби ҳолатлар ҳам бевосита соҳа пири ва аجدодлар нуфузи (культи) билан боғлиқ бўлган.

XIX аср охири – XX аср бошларида ўлка худудида мавжуд бўлган ҳунармандчилик бирлашмалари ўзининг асрлар давомида шаклланиб келган анъана, урф-одат ва маросимларига эга бўлиб, ҳунармандлар манфаатлари ва уларнинг фаолиятини ислоҳ қилиш ҳамда ҳимоя этишни ўз олдига ягона мақсад қилиб қўйган. Усталикка бағишланган маросим алоҳида аҳамиятга касб этган. Устахонага бағишланган маросим фотиҳа бериш деб юритилиб, бунда устознинг шогирдга берадиган дуоси кўзда тутилган. Кейинги маросим камарбандон, яъни белбоғ тақиш миёнбанди-камарбанди деб ҳам юритилади. Бу икки маросимни ўтказган шогирд ўз устозидан ажралиб чиқиб, алоҳида устахона очиб, мустақил иш юритиши мумкин бўлган.

Тарихий тараққиётдан маълумки, касб-ҳунар эгаллаган кишида ҳалол луқма, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, юксак ахлоқийлик, сахийлик каби хислатлар намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, ёшларимизнинг касб-ҳунар эгаллашида, албатта, миллий тарбия асосий ўрин эгаллайди. Тадқиқотчи М.О.Иномова айтганидек, “миллий ахлоқ, миллий тарбия натижасида таркиб топади. Миллий тарбия негизида оилавий тарбия ётади”¹. Халқимизнинг

¹ Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари (мустақил ҳаёт бўсағасидаги ёшлар): Педагогика фанлари доктори... дис./ Низомий

асрлар давомида яратган олтин хазинаси – миллий урф-одатларимизни қайта тиклаш, касб-корга ўргатиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш бугунги куннинг асосий масаласига айланди.

I.2. Миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлигини ўрганиш орқали талабаларда маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари

Маълумки, миллий қадриятларни шакллантирадиган асосий мезонлар бор. Булар, асосан, миллатнинг тарихи, урф-одати, анъанаси, ҳаётий қадриятлари билан бирга маънавий мероси, маданий бойликлари ва кўҳна тарихий ёдгорликларидир. Фалсафа қомусий луғатида “Урф-одат – анъаналар сифатида умумхалқ томонидан қабул қилинган тартиб-қоида; расм-русум, тамойил”¹лар таъриф берилган. Таъкидлаш жоизки, урф-одатлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиб, уларда ўз ифодасини топади. Миллий халқ ҳунармандчилигида ҳам тарихий тараққиёт давомида урф-одатлар мужассам этиб борилганлигини кузатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, қадимдан ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши билан Марказий Осиё ҳудудида касбий таълим-тарбия мустақил фаолият сифатида намоён бўлган. Натижада касбий маданият миллий анъана, ижтимоий тартиб-қоида ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг устадан шогирд-

номидаги Тошкент давлат педагогика университети. – Тошкент, 1998. 279-бет.

¹ Фалсафа қомусий луғат. – Т.: “Шарқ”, 2004. – 416-бет.

га, авлоддан-авлодга ўтиб бориши ҳунармандчилик рисолаларида ўз аксини топа борган.

Тарих фанлари доктори С.Т.Давлатова фикрича, рисола мазмун ва моҳиятига кўра, ҳар бир ҳунармандчилик турида мавжуд бўлган касбнинг ёки ҳунарнинг Низоми, трактати, яъни асосий қонун-қоидалар битилган ягона ҳужжат ҳисобланган. “Ҳозирги замон илмий атамалари тили билан айтганда, ҳунармандчилик устахоналари уюшмалари, рисолалар ва педогогик технологиялар иқтисодий, ижтимоий ва маданий функциялар моҳиятини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, уста-ҳунармандлар тайёрлаш амалиётида татбиқ қилганлар, ҳунармандлар эса ўзларининг бевосита ижтимоий-ишлаб чиқариш фаолиятларида ҳам намоён қилганлар”¹.

Ҳунармандчиликнинг турли соҳаларига оид ахлоқий, ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар мазкур рисолаларда шариат қонунларига асосан баён этилган. Ҳар бир рисолада ҳунармандчиликнинг технологик жараёнлари, маҳсулот турлари ва сифати, меҳнат қуроллари ва соҳага оид турли хил урф-одатлар, удум ва маросимлар ўз аксини топган. Ҳунармандчиликка оид рисолалар шогирдларни тарбиялаш, устоз-шогирд муносабатларини тартибга солиш, жамоа муносабатлари нормаларини аниқлашда аҳамияти катта бўлган. Буларнинг барчаси ривоят ва ибратли матнларда баён этилган.

Миллий халқ ҳунармандчилиги урф-одатлар бирлиги асосида ривожланиб борган. Ҳар бир шогирд бу анъаналарга қатъий риоя қилиши лозим бўлган.

¹ Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2020. – Б. 95.

Устоз-шогирд муносабатларига катта эътибор қаратилган. Шогирд тайёрлаш устанинг энг муҳим ва машаққатли, олий даражали бурчи ҳисобланган. Ҳунар ўргатувчи уста шогирдини ўғли қаторида кўриши, бутун куч-ғайрати, билими, тажрибаси, маҳоратини унинг камолоти йўлида сарфлаши лозим бўлган.

Ҳунаrmандчилик рисолалари катта ҳажмда бўлмаган. 16-18 варақдан иборат меъёрий ҳужжат уста-ҳунаrmандлар ва уларнинг шогирдлари фойдаланишларида катта аҳамиятга эга бўлган. Рисолада ҳунаrmандларнинг маънавий ва меҳнат фаолияти мазмуни белгилаб берилган. Рисолада шогирд барча авлиёларни, яъни ҳунар ҳомийлари номини, ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар бир хатти-ҳаракат давомида ўқиладиган Қуръон сураларини бирма-бир айтиб бермагунича ҳунаrmандчилик билан мустақил шуғулланишга рухсат берилмаслигига оид кўрсатмалар ўз аксини топган. Бинобарин, рисоалар ҳунаrmандлар ҳаётида исломнинг моддий ифодачиси ва тарғиботчиси ҳам ҳисобланган.

Юқоридаги фикрлардан хулоса шуки, рисоалар маънавий ғоялар манбаи сифатида муайян бир касб-ҳунарга мансуб инсоннинг, албатта, риоя қилиши шарт бўлган тартиб-қоидалар – мажбурий қарор, фармойиш, муқаддас бурч (фарзлар)ини ҳам белгилаб берган. Энг аввало, рисола талабига кўра, ҳар бир ҳунар турида иш бошлашдан олдин Аллоҳни ёд этиш ҳамда унинг номидан иш тутиш лозим бўлган. Масалан, темирчилар рисоласига кўра, темирчи “..устахонада ўтириб, одобсиз ва бемаъни сўзларни гапирмасин, эҳтиром билан суҳбат қурсин”, дея

таъкидланган бўлса, нон ёпувчилар учун рисолада ўн бир қоида келтирилган. Булар:

- таҳорат олиш;
- такбир айтиш;
- тўғри сўз бўлиш;
- жамоат билан ибодат қилиш;
- зиёли инсонларга чин кўнгилдан хизмат кўрсатиш;
- ўтган пирлар руҳига ибодат қилиш ва такбир айтиш; усталар буйруқларини бажариш;
- усталар ишини камситмаслик;
- устахонага таҳорат олиб кириш;
- кираётганда такбир айтиш;
- марҳаматли, хушмуомала ва ёқимтой суҳбатдош бўлиш; ишнинг боши ва охирида пирларнинг руҳларини поклаш учун ибодат қилиш ва такбир айтиш.

Шунингдек, рисолада бошқа бир талаблар ҳам таъкидланади. Булар:

- агар ҳар бир уста ушбу ўн бир қоидани билмас экан, унинг қилган иши нопок бўлади;
- деҳқонларга мўлжалланган рисолада еттита “фарз” белгилаб берилган: пок бўлиш, тўғрисўз бўлиш, сахий бўлиш, такбир айтиш;
- забардаст инсонлар билан мулоқотда бўлиш;
- такбир ва тасбеҳ айтиш;
- Аллоҳ олдида ҳақгўй бўлиш кабилар.

Дарҳақиқат уста-хунарсозларнинг руҳий-маънавий тарбияси ва уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга касбий фазилатларини шакллантиришда меъёрий ҳужжат – рисолалар касб-хунар таълими ривожлан-

тиришда алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, рисоалар ҳунармандчилик устахоналарини ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш технологиялари манбаси ҳам ҳисобланган.

Демак, рисоаларда Марказий Осиё халқларининг ментелитети ва ижтимоий қадриятлари акс эттирилган.

О.А.Сухареванинг Бухоро тарихига бағишланган асарида воҳа ҳунармандчилиги ривожига ҳақида фикр юритилиб, озиқ-овқат тайёрлаш усуллари ва қандолатчиликка атрофлича тўхталиб ўтилади, шунингдек ҳар бир ҳунармандчилик тури халқнинг урф-одатлари билан ривожланиб борганлигини таъкидлайди¹.

Шогирд олган ҳар бир уста ҳунар эгаллашнинг сир асрорларини ўргатганда, албатта, у билан боғлиқ урф-одат ва маросим ҳақида тушунча бериб борган. Жуда кўп тадқиқотларда, хусусан, таом тайёрлаш ва у билан боғлиқ бўлган асбоб-анжомлар, уни тайёрлашдаги анъаналар ҳақида батафсил маълумотлар бор. Жумладан, К.Л.Задихина Амударё ҳавзаси ўзбекларининг таомлари ва уларнинг ошхона асбоб-анжомлари ҳақида баён қилиб², уни тайёрлайдиган ҳунармандлар фаолияти билан боғлиқ маълумотларни келтиради. Г.П.Снесарев тадқиқотида эса, Хоразм ўзбеклари тўйларида таомлар билан боғлиқ бўлган маросим ва урф-одатлар ҳақида маълумот бериб³, таом тайёрла-

¹ Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара. – Ташкент, 1962. – 194 с.; Ўша муаллиф. Бухара XIX – начала XX в. (Позднефеодальный город и его население). – М.: Наука, 1966. – 328 с.

² Задыкина К.Л. Узбеки дельты Амударьи // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. – М., 1952. – Т. 1. – С. 319-427.

³ Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 336 с.; Ўша муаллиф. К вопросу о происхождении

надиган катта идишларни ишлаб чиқарадиган хунарманд усталар фаолиятидаги анъаналардан мисоллар ўз аксини топган. Шунингдек, Тошкент вилояти мисолида ҳам айрим таомлар ва ошхона асбоб-анжомлари тавсифлаб берилган¹.

Академик К.Шониёзовнинг ўзбек этнографиясига бағишланган тадқиқотларида ўзбек таомлари ҳақида бирмунча кенгроқ ёритилиб, айниқса, уни тайёрлашдаги асбоб анжомлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш мумкин².

Ўзбек пазандачилиги сирлари ёритилган К.Маҳмудов асарларида нафақат ўзбек таомларининг тайёрланиш усуллари ва меҳмондўстлиги, балки уни тайёрлашдаги асбоб анжомлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. У муайян ҳудудлардагина пишириладиган маҳаллий таомлар, қачонлардир тўй ва байрамларнинг кўрки бўлган, ҳозирда эса унутилиб кетган кўпгина таомларни қайта тиклаб, тайёрланиш усулларини баён этган³. “Ўзбек нонлари” китобида

празнества суннат-той в его среднеазиатском варианте // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л., 1971. Т. 3. – С. 256-272.

¹ Жилина А.Н. Современная материальная культура сельского населения Ташкентской области Узбекской ССР // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 121-145.

² Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964. – 195 с.; Ўша муаллиф. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Ташкент, 1972. – С. 96-118; Ўша муаллиф. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – 342 с.; Ўша муаллиф. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1975. – С. 188-193; Шаниязов К., Исмаилов Х. Пища // Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начала XX в. – Ташкент, 1981. – С. 105-123; Ўша муаллиф. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Тошкент: Фан, 1999. – 192 б.

³ Маҳмудов К. Мучные блюда узбекской домашней кухни. – Ташкент, 1963. – 103 с.; Ўша муаллиф. Пловы на любой вкус. – Ташкент: Меҳнат, 1987. – 155 с.; Ўша муаллиф. Нон ризқ-рўзимиз. – Тошкент, 1988. – 23 б.; Ўша муаллиф. Меҳмоннома. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – 240 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек

ҳам нон тайёрлаш ва ёпиш усуллари баён қилиб берилган¹. Бу китоблар ҳунармандчилик борасида илмий адабиёт ҳисобланмасада, муаммонинг у ёки бу томонини ёритишда маълум маънода хизмат қилади.

Мазкур адабиётларда мавзу муайян даражада ўрганилган бўлиб, ўша давр нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда, масалага маълум бир халқлар мисолида ёндашилганлигини кузатиш мумкин. Юқорида номлари қайд этилган адабиётлар, асосан, тавсифловчи характерга эга бўлиб, уларда муаллифлар маълум ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳунармандчилик турлари ва урф-одатларини тасвирлаб бериш билан чекланган, холос.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ҳунар халқнинг урф-одати ила такомиллашиб борган. Тарихий тараққиётдан маълумки, новвойлик жуда кўп урф-одатлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ноннинг хамирини қоришдан бошлаб, тандирга ёпиб олгунча турли хил удумларга амал қилинган. Бутун Ўзбекистонда “нон синдириш” удумига риоя қилиниши, киши учун ноннинг ризқу-рўз сифатида ниҳоятда эъзозланганидан гувоҳлик беради. Икки ёшнинг бахтини тилаб ушатиладиган нонни, одатда маросим қатнашчилари орасидан обрў-эътиборли, ували-жували улуғ инсонлар амалга оширишган ва “Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм, илоё қўша қаринглар, мўмин-қобил бўлинглар, ўзларингдан кўпайинглар”, деб жуфт қилиб синдирган. Нон синдириш маросими ҳар икки томоннинг қариндошчилик қилишининг рамзи бўлган ҳамда

тансиқ таомлари. – Тошкент: Меҳнат, 1989. – 352 б.; Ўша муаллиф. Қизиқарли пазандалик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 224 б.

¹ Маҳкамов Г.М., Погосянц А.И., Свинкин С.Н. Ўзбек нонлари. – Тошкент, 1961. – 69 б.

серпуштлик ғояси билан ҳам боғлиқ бўлиб, анъана сифатида қадимдан давом этиб келган¹. Чақалоқ қоронғида уйдан олиб чиқилганда кўкрагига кулча ёки бир бўлак нон қўйилган. Бешик тўйи маросимида ҳам бешикка белаш вақтида чақалоқнинг онасига “нон куч-қувватинг бўлсин, насибанг қўша-қўша бўлсин”, деб бир жуфт нон тишлатишган. Бешик бошига ҳам бир жуфт кулча қўйишган.

Нонни нафақат Ўрта Осиё халқлари, балки Олд ва Марказий Осиё халқлари ҳам муқаддас санашиб, у билан боғлиқ турли хил удумларга риоя этишган. Афғонистон ва Эронда амал қиладиган удумлардан бири, агар тандирга ёпилган нонлардан бирортаси тушса, ўша нон муқаддас саналган, чунки нон ёпилган пайт Авлиё Хизр кирган бўлиб, нон унга таъзим қилган деб ишонилган².

“Юқори Зарафшон тожикларининг моддий маданияти” номли тўпламда ширмой нонни тайёрлаш усулини фақат юқори Зарафшон водийсининг тожиклари билган, деган хулосани берган³. Бироқ, ширмой нон ва кулчаларни Ўрта Осиёнинг кўпгина жойларида яшаётган аҳоли тайёрлашган⁴. Ўзбек халқи XX асрнинг биринчи ярмида нонни энг

¹ Қаранг: Лобачева Н.П. Свадебный обряд хорезмских узбеков // КСИЭ. – М., 1960. Вып. 34. – С. 39-48; Шаниязов К. и... – С. 143-152; Кисляков Н.А. Брачные обряды и церемонии // Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1969. – С. 140; Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. – М., 1872. – С. 62-68; Аширов А. Анъанавий никоҳ тўйи маросимларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2003. – № 2. – Б. 39; Зунунова Г. К вопросу о ритуальной обрядности узбеков... – С. 74; Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. – М. – Л., 1959. – С. 123.

² Передняя Азия // Этнография питания народов стран зарубежной Азии. – М.: Наука, 1981. – С. 16-17.

³ Материальная культура таджиков верховьев Зерафшана. – Душанбе: Дониш, 1973. – С. 148-149.

⁴ Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков... – С. 97.

муқаддас ва улуғ таом сифатида эъзозлаганлигини ва у билан боғлиқ урф-одат, анъаналарнинг аҳоли ҳаётидан чуқур ўрин олганлигини кўриш мумкин. Ҳар бир халқнинг моддий ва маънавий хусусиятлари уларнинг ҳўжалик-иқтисодий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, у ижтимоий тарихий қонуният ҳисобланади. Бунда албатта, ҳунармандчилик буюмларининг роли катта. Ўзбекистонда тандирлар ўрнатилишига қараб “ер тандир”¹ ҳамда “девори тандир” деб аталган². Девори тандирдан, асосан, новвойлар фойдаланишган. Хонадонларда ер тандир қурилган. Ер тандир тайёрлаш махсус усталардан ташқари, маҳаллий аҳоли, кўпроқ аёллар зиммасига юкланган. Тандир қуришда дуч келган лойни ишлатаверишмай, махсус тандир лойи – гилмоядан фойдаланишган.

Тарихий тараққиётдан маълумки, халқнинг урф-одати ва анъаналарига таяниб ширинлик тайёрлаш ҳар бир ҳунарманд амал қилиши лозим бўлган ҳолат ҳисобланган. Маълумки, аجدодларимиз инсон танасидаги тўрт унсур (тупроқ, сув, олов ва ҳаво)нинг ўз қувватлари билан бир-бирларига таъсир қилишлари натижасида вужудга келадиган мижоз (кайфият)га таомларнинг таъсир қилишини билиб, уларни “иссиқ” ва “совуқ” таомларга ажратганлар. Шу ўринда Абу Али ибн Синонинг қуйидаги таърифини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Биз биронта ичга қабул қилинадиган ёки сиртдан суртиладиган

¹ Қаранг: Кармышева Б.Х. Традиционные формы бытового уклада в конце XIX – начале XX в. // Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., 1969. – С. 118.

² Турсунов С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 141.

наrsa ҳақида гапириб, уни иссиқ ёки совуқ деганимизда, ўша нарсани амалда ва ҳақиқатда эмас, балки қувватда шундай эканлигини, яъни унинг қувватда бизнинг баданимизга нисбатан иссиқроқ ёки совуқроқ эканини назарда тутамиз. Бу қувватдан биз баданимиздаги ҳарорат таъсир қилиб турган шундай бир қувватни тушунамизки, у қувватнинг ташувчиси биздаги туғма ҳароратнинг таъсирига учрагандан кейин у қувват амалдаги нарсага айланади”¹. Шунга биноан, барча ширинликлар иссиқлик ҳисобланган. Кишилар истеъмол қилаётганда қайси мева мижозига тўғри келишини эътиборга олган, айниқса, беморларни даволашда бунга қатъий амал қилинган². Ўрта аср Шарқининг буюк шоири Юсуф Хос Ҳожиб: “Совуқмижоз эрсанг, иссиқликни бил, иссиқ бўлса, совуқ емишларни қил”, – деб ёзади³. Шунингдек, анъанавий озиқ-овқатларнинг иссиқлик ва совуқликка бўлиниши, уларнинг айрим ҳолларда тарқалиш ҳудудларига ҳам маълум маънода таъсир кўрсатаркан⁴. Қандолатпазлар томонидан *нишолда, новвот, парварда, кунжут ҳолва, сачоқ ҳолва (пашмак), лавз ҳолва* каби ажойиб ширинликлар тайёрланган. Ҳолвалар тўй маросими ширинлиги ҳисобланганлиги учун қизга фотиҳа тўй жўнатилаётганда куёв томон ҳамиша кунжут ҳолва юборган⁵.

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1992. 1-жилд. – Б. 47

² Шаниязов К.Ш. – Ташкент, 1964. – С. 128-129; Ўша муаллиф. О традиционной пище узбеков... – С. 116.

³ Қаранг: Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: “Юлдузча”, 1990. – Б. 102.

⁴ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Б. 212.

⁵ Турсунов С.Н. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Б. 156.

Шунингдек, XX асрнинг биринчи ярмида маҳаллий аҳоли истеъмолига Чор Россияси ва советлар даврида турли хил қандолатчилик маҳсулотлари: конфет, пряник, печенье каби ширинликлар ҳам кириб келган. Ҳатто, Бухоро амирлиги девонхонасига рус савдогарлари томонидан амирлик бозорларида дўкон очиб қандолатчилик маҳсулотлари сотиш учун рухсат сўраб, кўплаб аризалар билан мурожаат қилишган. Айниқса, Чор Россияси ва советлар ҳукмронлиги даврида янги қандолатчилик маҳсулотларининг кириб келиши, уларни ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг йўлга қўйилиши ўз ижобий таъсирини кўрсатган.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб Бухоро шаҳаридаги 360 кўчанинг асосий қисмида ҳунармандлар яшаганлар. 52 та маҳаллада нонвойлар, 21 та маҳаллада ҳолвапазларнинг истиқомат қилгани бу шаҳри азимда пазандачилик касб-ҳунарининг ривожланишидан гувоҳлик беради. Шаҳарда Бобойи нонкаш, Шермуҳаммад жувозкаш, Писташиканон, гузари Ҳалвогарон, Жонмарди қассоб, Гавкушон, Равғангарон, Бозорипиёз, Саллобхона /Кушхона/, гузари Каппонимайиз, Кўчаи анориҳо, Гузари Забуда /хушбўй ўсимликлар-қуритилиб доривор сифатида овқатга солинадиган гиёҳлар/, Гузари Зоммуча, Чор харос ва ҳоказо номлар билан аталгувчи кўча ва гузарлар ўзига хос тарихга эга. “Бекликда ҳунармандчилик миллий талаблар даражасида бўлиб, маҳаллий ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда оддий косибчилик анъаналарига амал қилар эди. Темирчилик устахоналари ўзларини

маҳсулот билан таъминлаш, конларда руда, чет эллардан заргарлик учун маҳсулот олиб келишни ўз зиммаларига олиб, амирлик томонидан ҳеч қандай моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга эга эмасдилар. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ҳунармандлар оғир шароитга қарамай, миллий урф-одатларга мос буюмлар тайёрлаб, маҳсулотлар ўзининг мустақамлиги, нафис, гўзаллиги, бозор талабларига хос бўлиши билан ажралиб турар, уста ва шогирдлар ҳурмат эътибори синовлардан ўтиш туфайли обрўга эришилар эди. Миллий урф-одатлар талаби асосида тикилган кийимлар, гиламлар, тақинчоқлар жаҳон бозорларида ўз харидорларини топган”¹. Темирчилар, этикдўзлар, маҳсидўзлар, заргарлар, ўймакорлар, ёғочсозлар ва ўтовсозлар иши юксак қадрланган. Бўз тўқиш, гиламдўзлик, зардўзлик, заргарлик оммавий касблардан саналган. Заргарлик касбини эгаллаган усталар турли хил буюмлар тайёрлашда ўз маҳоратларини кўрсатиб, эл орасида алоҳида нуфузга эга бўлиб, амалдорлар ўз буюртмаларини ана шундай истеъдодли усталарга тақдим этганлар. Заргар уста заргарлик буюмларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча урф-одат ва анъаналарни шогирдиги ўргатиб борган. Заргар усталар жуда қадрланган. Мукаммал заргарлик санъатини эгаллаган усталар ўз шогирдларига буюмлар тайёрлаш учун зарур бўлган металл,

¹ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Шеробод тарихи ва этнографияси. – Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 122.

тилла, кумуш, мис, шунингдек, тошлар, қизил-ёқут, лаъл, ёқут, зумрад, рангли тошлар – феруза, сердолик, ложувард, денгиз инъомлари бўлган – дур, маржон, садафларни танлаш, ишлатиш ҳар бир тақинчоққа нафис ишлов беришни дид билан ўргатганлар. Халқ удумлари ва анъанавий машғулотларга мос ҳолда маҳсулотлар тайёрлаш, бозор талаб-эҳтиёжларига эътибор бериш ҳунарманд-усталарнинг асосий машғулоти бўлган.

Ҳунармандлар маҳсулоти миллий ифтихоримиз бўлган анъанавий кийимларда алоҳида ўз аксини топиб, миллий зардўзлик санъати ниҳоят даражада ривожланиб, ҳар бир ҳудуд ўзининг зардўзлик ва каштачилик анъанаси билан ажралиб турган. Ҳунармандчиликнинг ривожланишида ижодий дунёқараш, халқ урф-одатларига эътиқод, табиат гўзаллигига мос санъат буюмларини яратиш, халқ орзу-умидларини афсонавий ривоят услубида яратиш ҳунарманд-усталарни доимий иш жараёни бўлиб қолган. Шу туфайли ҳунармандчилик маҳаллий аҳоли турмушида катта ўрин тутиб, халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўсишида муҳим ўрин тутган. Ҳунармандлар ўз шогирдларини тайёрлашда, биринчи навбатда, касб-маҳоратга бўлган қизиқиши, меҳнатга чидамлилиги, сабр-тоқати, касбни ўзлаштиришга бўлган маҳоратини ҳисобга олган.

Халфа шогирдликдан юқори даражага кўтарилган ҳунарманд бўлиб, ўз устаси қўлида меҳнат қилган. Унинг шогирддан фарқи шундаки, у биринчи навбатда, анча эркин бўлган, иккинчидан,

уста билан келишувга мувофиқ иш ҳақи олган. Халфа истаган пайтида ўз устасидан кетиб ишлаши ёки бошқа устага ёлланиши мумкин бўлган. Халфа устанинг энг ишончли ёрдамчиси ҳисобланиб, у билан бирга тенг миқдорда меҳнат қилган. Шогирдлар ҳунарни эгаллаши, мураккаб касбларни ўзлаштиришдаги маҳорати, буюм тайёрлаш учун зарур бўлган маҳсулотни танлаши, касб сирларини сақлаши, меҳнат қуролларини тайёрлаш, ишлатиш, қайси касбни мукаммал ўзлаштириб олганлиги билан синовдан ўтган. Шогирдлар танлаш жараёнида оилавий шажара, яқин қариндош-уруғ, шунингдек, уддабурон, етарли қобилиятга эга бўлган бегона кишилар танлаб олинган. Шогирд касбни етарли даражада ўрганиб олганидан сўнг ўз устаси ёнида халфа вазифасида қолиб ишлаши ёки мустақил равишда дўкон очиб фаолият кўрсатишга рухсат берилган.

Шарқий Бухоро ҳудудидаги йирик қишлоқларда ҳам ҳунармандчилик ривожланиб, ҳар бир ҳунарманд устанинг ўз устози, пири бўлиб, шу пирга сиғиниб Аллоҳдан марҳамат, ризқ-насиба, касбга барака тилаб, садақа бериб турганлар. Ҳунармандлар кулоллар пири Саййид Амир Кулол, чармгарлар пири Али пайғамбар, рангреллар пири ҳазрати Жаброил, косиблар пири Бобои Шавқи Порадўз, буюм ва матога нақш берувчи наққошлар пири Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандларга сиғиниб, ушбу пирлар арвоҳига бағишлаб маросимлар – “арвоҳи пир” ўтказиб турганлар.

Шарқий Бухоро бекликларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари нафақат амирлик доирасида, балки қўшни давлатларда ҳам машҳур бўлиб, савдогарлар томонидан хорижга ҳам кўплаб миқдорда маҳсулот чиқариб турган.

Айрим усталар сартарошлик, нонвойлик билан шуғулланганлар. Моддий маданият намуналарини тарихий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқнинг турмуш тарзини, унинг жамият тараққиётида тутган ўрнини аниқлаб олишга, илмий таҳлил этишга имконият яратади. Қадимги цивилизация марказларидан бўлган Бухорода истиқомат қилган аҳоли ўз касб-кори, яратган меҳнат қуроллари билан ҳунармандчилик соҳасида ажралиб турган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон аҳолиси кундалик турмушида ширинликлар билан боғлиқ удумлар ҳам сақланиб қолган. Масалан, бешик тўйида ширинликлардан сочилиши, янги туғилган боланинг умри ширин ва тотли бўлсин, бутун ҳаёти давомида сочилган ризқини йиғиб-териб еб юрсин, деган ниятни билдирган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий ҳаётидан ўрин олган ҳунармандчилик турлари хилма-хил бўлиб, у халқимизнинг асрлар давомида амал қилиб келган удумлари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғланиб кетганлигини кўрамиз.

ИККИНЧИ БОБ

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА УРФ-ОДАТЛАР БИРЛИГИ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

II.1. Янги Ўзбекистон шароитида устоз-шогирд муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиздаги профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги сабабли тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётган эди. Шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимига асос солинди.

Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ўша йили қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида профессионал

таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиблари белгилаб берилган эди.

Янги Ўзбекистон шароитида жаҳон таълим системасига интеграциялашиш, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, профессионал таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича даражалар янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топди. Мазкур Қонуннинг 10-моддасида профессионал таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича қуйидаги даражаларни ўз ичига олиши белгилаб берилди: бошланғич профессионал таълим; ўрта профессионал таълим; ўрта махсус профессионал таълим.

Касб-хунар мактабларида Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда икки йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларнинг интеграциялашган дастурлари асосида кундузги таълим амалга оширилади ва битирувчиларга эгаллаган мутахассислиги бўйича фаолият юритиш ҳамда келгусида олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини берувчи диплом берилади.

Коллежларда Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида Халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда икки йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида тўлов контракт ёки

давлат буюртмаси бўйича давлат гранти асосида таълим олишлари мумкин.

Техникумларда Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи ва олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрланади. Ўқувчиларнинг ўқишлари касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда камида икки йил муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида тўлов контракт ёки давлат буюртмаси бўйича давлат гранти асосида амалга оширилади.

Низомда профессионал таълимга доир бир қатор тушунчаларга изоҳ берилган. Жумладан, фаолиятимизга профессионал таълим, касбий компетенция, профессионал стандарт, табақалаштирилган таълим дастури, ўқитишнинг дуал тизими каби янги тушунчалар киритилди. Улар орасида айримларига тўхталиб ўтиш зарур.

Касбий компетенция – бу билим, кўникма ва амалий тажриба асосида касбий фаолиятга тегишли вазифаларни бажаришда фаолият юритиш қобилияти ҳисобланади. Профессионал стандарт эса, ходимга маълум бир касбий фаолият турини, шу жумладан, маълум бир меҳнат функциясини бажариш учун зарур бўлган малака талабларидир. Ўқитишнинг дуал тизими ҳам биз учун янги бўлган жараёни ўз ичига олади. У таълимнинг назарий қисми таълим муассасасида, амалий қисми иш жойларида ташкил этиладиган ўқитиш тури бўлиб, бу тизим Европа давлатларида ўзининг ижобий натижасини берганлиги ҳаммамизга маълум. Ўқитишнинг дуал тизимида касб-хунар ўрганувчини бир вақтнинг ўзида ҳам назарий, ҳам амалий билимларни мукамал

эгаллаши, иш берувчининг талабига мос кадр бўлиб етишиши учун замин яратилади.

Табақалаштирилган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда профессионал таълим жараёнларига ўқитишнинг кредит-модуль тизими босқичма-босқич жорий этилади. Кредит-модуль тизими – ҳар бир ўқув модули таркибини тузишга асосланган модульнинг ўқув натижалари ва якуний назоратни кузатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб боровчи ўқув дастурини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш тизими ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида анъаналарнинг қайта тикланиши ва миллий меросга бўлган эътиборнинг ошиши туфайли ҳунарманд ва ҳунармандларга бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий ҳунармандчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилиб, уни қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

Республикамизда миллий ҳунармандчилик йўналишларини ривожлантириш, “Устоз-шогирд” анъаналарини давом эттириш борасида тизимли чора тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2010-2011 йилларда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида “Ҳунарманд” бўлимлари ташкил этилди. Уюшма ижодий ташкилот бўлиб, унинг асосий вазифалари ва мақсади:

- унут бўлган халқ ҳунармандчилиги турларини қайта тиклаш;

– мулкчилик шаклидан қатъий назар, халқ амалий санъати анъаналари асосида фаолият юритаётган халқ усталари, ҳунармандлар, амалий санъат мутахассислари, ижодкор ёшлар фаолиятларини мувофиқлаштириш;

– улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобат муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

– ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларни амалга ошириш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш;

– иқтидорли болалар ва ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш;

– ҳайрия ва ҳомийлик фаолиятларини амалга ошириш.

Айнан мазкур мақсадларга эришишда “Устоз-шогирд” мактабларини ташкил этиш жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 17 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5242-сонли “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони¹ қабул

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли фармони.

қилинди. Мазкур фармонда бошқа вазифалар сингари халқ ҳунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш; ҳунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш; истеъмолчиларга ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфратузилмасини шакллантириш; ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини тақдирот қилишга кўмаклашиш кабилар белгилаб берилди. Мазкур фармон республикада ҳунармандчиликни кенг ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, шунингдек рағбатлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Фармонга илова тарзида ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар турлари ҳам кўрсатиб берилди. Рўйхатда 34 хил асосий йўналишлар (жумладан, қўлда гилам тўқиш, қўлда газламалар тўқиш, ганч ўймакорлиги, тош ўймакорлиги, миниатюра, ранг тасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар, кандакорлик, мисгарлик буюмлари, металдан ясалган буюмлар), шунингдек, мазкур йўналишда тайёрланадиган шогирдлар сони ҳам ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сонли “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар

тўғрисида”ги қарорида¹ мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласи ўз аксини топди. Шунингдек, мазкур қарорга илова тарзида республика ҳудудларини ҳунармандчилик йўналишлари бўйича ихтисослаштириш ва уларга Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини бириктириш кўрсатиб берилди. Бухоро вилоятига Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси, Исроил Давлатидаги элчихонаси, Индонезия Республикасидаги элчихонаси бириктирилди. Бухоро, Ғиждувон ва Ромитан туманларини кандакорлик, мисгарлик буюмлари, каштачилик, металлдан буюмлар ясашга ихтисослаштириш белгилаб берилди. Бу борада вилоятда “Устоз-шогирд” тизими асосида мазкур йўналишларни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сонли “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони²да ёшларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4539-сонли қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли фармони.

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-ҳунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашиш, иқтидорли ёш адиб, рассом ва ҳунармандлар ўртасида ижодий кўрик танловлар ташкил этиш, ёш муаллифларнинг ижод намуналари, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш, санъат асарларини яратиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам ўз аксини топди. Ушбу ҳужжатлар ёшларни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, касб-ҳунарга ўргатиш, “Устоз-шогирд” тизимини йўлга қўйишда аҳамияти беқиёсдир.

Ёшларда миллий халқ миллий ҳунармандчилиги ва урф-одатлари бирлиги муносабатини такомиллаштиришда педагогик фанларнинг роли каттадир. Ҳозирги кун талабларидан келиб чиқан ҳолда, қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

- мактаб таълимида миллий халқ ҳунармандчилиги хусусида маълумот берувчи, шунингдек ёшларни ҳунарга даъват этувчи фанни жорий этиш;

- ҳар бир вилоятда тараққий этган ҳунармандчилик йўналишлари асосида мактабларда таълим бериш, устахоналар ташкил қилиш;

- мактабларда ихтисослаштирилган фанлар билан бирга ихтисослаштирилган ҳунармандчилик йўналишларини йўлга қўйиш;

- қадимий халқ ҳунармандчилиги масканлари, халқ усталари хусусида тўлиқ маълумот берувчи адабиётлар яратиш;

- миллий халқ ҳунармандчилиги йўналишлари бўйича оммавий ахборот воситалари (телевидение)да

кўрсатувлар тайёрлаб, рекламаларни мунтазам янгилаб бориш;

– хориждан ва республикамиз вилоятларидан келган меҳмонларнинг халқ усталари, ҳунармандлар ишларини томоша қилишга қизиқиши баланд бўлганлигини инобатга олган ҳолда, экскурсиялар режасига киритиш.

Янги Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бу “миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшлар онгига етказиш, этник маданий анъаналарни сақлаб қолиш”¹, “мамлакат аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида, олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, жамиятда соғлом дунёқарашни ва ижодий фикрлашни шакллантириш, уни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини кенг оммалаштириш орқали меҳр ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда, миллий ҳаракатга айлантириш”² ҳисобланади. Бундай юксак мақсадларга эришишнинг асосий шартларидан бири, таълим мазмунига ўзбек халқи миллий анъаналари ва қадриятларини сингдириш, талабаларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, Барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим бўйича ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон конференцияси 2014 йилнинг 10-12

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон республикаси миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси” 2018 йил, 28 ноябр № ПҚ-4038// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил, 3 декабрь, N 48, м. 921.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил, 26 март №ПҚ-5040 // <https://lex.uz/ru/docs/5344680>.

ноябрида Япониянинг Нагоя шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ушбу анжуман БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим ўн йиллигини (2005-2014 йй.) якунлади. Конференция натижалари БРМТ бўйича Айти-Нагоя декларацияси ва БРМ соҳасида Глобал ҳаракатлар дастури қабул қилиниб, ЮНЕСКОнинг 37-Бош конференцияси ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 69-сессиясида тасдиқланди¹. ЮНЕСКОнинг 2015 йилдан сўнг таълим соҳасидаги кун тартиби шакллантиришдаги муҳим ҳиссаси бу 2015 йилнинг май ойида Жанубий Корея Республикасида бўлиб ўтган “Таълим–2030” Инчхон декларацияси бўлиб, унинг асосий тамойиллари Таълим масалалари бўйича бутунжаҳон форумида шакллантирилган эди. “Таълим–2030” янги концепциясида “...таълим – бу динамик концепция бўлиб, барқарор тараққиётга эришиш учун таълим, кадрлар тайёргарлиги, тарбия, билим ва кўникмаларни тизимининг барча жиҳатларини ўз ичига олади. Айтиш жоизки, Барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим – бу динамик концепция бўлиб, ҳар қандай ёшдаги ва ҳар қандай ижтимоий гуруҳга эга бўлган инсонлар томонидан таълим тизими, кадрлар тайёрлаш, таълим, тарбия, билим ва кўникмаларга эга бўлишнинг барча жиҳатларини ўз ичига олади”². Шунингдек таълим инсонлар ўртасидаги муносабатлар толерантлигига таъсир кўрсатади ва тинчликпарвар жамиятларнинг шаклланишига ёрдам беради. Таълим инсонлар

¹ Образование в интересах устойчивого развития. <http://ru.unesco.org/themes/obrazovanie-v-interesahustoychivogo-razvitiya-0>

² Азизов А. Киншина А. Образование в интересах устойчивого развития. <http://www.unesco.org/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/Tashkent/pdf/part1correct.pdf>

мавжуд муаммоларга нисбатан масъулиятни ҳис этишлари ва уларни ҳал этишда тўғри қарор қабул қила олишлари учун зарур. Таълим танқидий фикрлашни қўллаб-қувватлаши, биргаликда қарор қилиш ва келажакни башорат этиш кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиши лозим. Бунинг учун таълимга янгича ёндашувлар лозим, у динамик ва экологик жамиятни қуриш, шунингдек глобал фуқароликни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди¹.

Мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар бугун нафақат жамоатчилигимиз томонидан, балки бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва комил инсонларни етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг: “Илм-маърифат ва касб-хунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, қадриятларимизга садоқат каби эзгу фазилатлар азалдан халқимиз, миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак”² деб таъкидлаши айни шу мақсадга қаратилгандир.

Бугунги кунда замонавий олий таълим тизимига ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияси

¹ Образование в интересах устойчивого развития. <http://ru.unesco.org/themes/obrazovanie-v-interesahustoychivogo-razvitiya-0>

² Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 декабрда Ёшлар форумида сўзлаган нутқи. <https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-yoshlar-kelajagi-bilan-bogliq-har-qanday-vazifa-birlamchi-ahamiyatga-ega>

сифатини ошириш, фан асосларини пухта ўқитишнинг юқори илмий даражасини таъминлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, шунингдек талаба ёшларни миллий маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий таълим давлат таълим стандартларида ҳам ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида илмий дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккурни, ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириш каби талабларни таъминлаш лозимлиги алоҳида уқтирилган.

Маълумки, олий таълим талабаларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантириш муҳим масалалардан биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 27-моддасида “Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга”¹ эканлиги кўрсатиб ўтилган.

“Бош Ассамблея мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо

¹ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. 1948 йил 10 декабрь.

ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур” эканлиги белгиланган.

Мамлакатимизда ёшларни маънавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг мустақам ҳуқуқий асослари ҳам яратилган.

Янги Ўзбекистон шароитида ёшлар маънавиятини юксалтириш масаласи давлатимиз ва ҳукумати-мизнинг диққат эътиборидадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январ куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видеоселекторда “Биз яратаётган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”, деб таъкидлади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартда қабул қилган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектордаги маъруза.

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон қарори¹ маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамиятини оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарорида ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ёшларда маънавий тарбия индикаторлари ва компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи билим, кўникма ва малакаларни таълим-тарбия мазмунига сингдириш ва уларни амалиётда қўллай олиш имконини берувчи амалий машқ, топшириқ ва педагогик вазиятлар билан бойитиш; ёшларда замонавий билимларни эгаллаш, медиа маданиятни ривожлантириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш, хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганишни рағбатлантириш каби вазифалар ҳам белгилаб берилди. Бу борада бошқа норматив-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарори.

ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ва улар ижроси собитқадамлик билан таъминланаётганлиги бунинг яққол далолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўрсатиб ўтилган “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” 5-устувор йўналишда эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятларни ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш; тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш; ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш; “Маҳалла – туман – вилоят – республика” принципи асосида ҳудудлар кесимида ижтимоий-маънавий муҳитни оптималлаштириш харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш; мактабларни чинакам маънавият ва маърифат, маданият ўчоғига айлантириш учун таълим-тарбиянинг интерактив усуллари қўллаш; мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш; “Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори остида “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс” ғоясининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, буюк аجدодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида ИХТ, ИРСИКА, АЙСЕЕСКО, ЮНЕСКО каби дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва университетлари билан ҳамкорликда “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс” шиори остида халқаро конференция, симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш; буюк аجدодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар қаламига мансуб 100 та асарнинг халқчил таржимасини амалга ошириш, улар асосида илмий ва оммабоп рисоалар яратиш; буюк аجدодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш масаласининг ўз аксини топганлиги бу бевосита ёшларда маънавий қадриятларни ривожлантиришда аҳамияти беқиёсдир.

Мазкур долзарб вазифаларни бажаришда ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантиришнинг ахборот-дидактик шакллари ишлаб чиқиш ва улардан тизимли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантиришнинг модели тўрт босқичдан иборат: мақсадли, мазмунли, методик ва натижавий.

Мақсадли босқичга ижтимоий буюртма, моделизмнинг мақсади ва вазифалари киради.

Мазмунли босқич методологик асос, миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларининг тузилиши, тамойиллар ва функциялардан иборат.

Методик босқич педагогик шарт-шароитлар, технологиялар, ўқитиш методлари ва шаклларидан иборат.

Натижавий босқич талабаларнинг миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантиришнинг баҳолаш мезонлари ва даражаларидан иборат.

Талабаларнинг миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантириш бўйича ўзбек халқининг анъаналари, нақшлари, миллий матолари, зардўзлик санъати, гиламдўзлик, миллий либослар, заргарлик буюмлари билан ифодаланган халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги асосида олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ўрганиш, ўқитиш методикаси ва ўқув дастурлар мазмунини таҳлил қилиш таълимнинг турли босқичларида ўқитиш

назарияси ва амалиётини танқидий англашга имкон берди.

Талабаларнинг миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантириш бўлажак мутахассиснинг касбий маданиятининг бир қисми бўлиб, у қуйидаги икки жиҳатга эга:

биринчиси, ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантириш – маънавий-ахлоқий қадриятлар мажмуи сифатида ва бевосита маданиятга таалуқлилигида намоён бўлишидир;

иккинчиси – бўлажак мутахассиснинг маданий компетенцияси профессионал маданиятнинг, шахсга йўналтирилганликнинг бир қисми сифатида, ўз ичига маданий ва касбий хосликлар мажмуини қамраб олганлигида (ўзбек халқининг анъаналари, халқ амалий санъати тўғрисида чуқур билимларга эгаллиги; ижодий фаолият тажрибаси ва қадриятли-семантик англаш тажрибаси) намоён бўлишидир.

Фалсафий, педагогик, психологик адабиётларни таҳлил қилиш асосида талабаларнинг миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантиришнинг устувор таркибий қисмлари аниқланди, уларни таснифлаш орқали бўлажак мутахассиснинг ижтимоий-маданий компетенцияси мазмуни қуйидагича белгиланди: ижтимоий-маданий хабардорлик – шахс онгининг ривожланиш даражаси билан, маънавий-ахлоқий бойитилганлик – шахснинг қадриятли-семантик идрок этишининг йўналтирилганлиги даражаси билан, ахлоқий етуклик – шахсий фазилатларнинг ривожланиш даражаси билан таснифланади.

2.2. Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантиришни ахборот технологиялари воситасида такомиллаштириш

Маълумки, инсон ҳаёти ва фаолиятини қадриятларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсонни яна ҳам мукаммаллаштириб безатадиган ижтимоий воситалардан бири, инсоннинг қадриятларга бўлган муносабатидир. Инсон теvarак-атроф, нарсa ва ҳодисаларга доимо қадриятлар сифатида ёндошади. Бу ҳам инсоннинг эҳтиёжлари ва манфаатларидан, ижтимоий ҳаётнинг туб вазифаларидан келиб чиқади. Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантириш қадрият сифатида эътироф этилади.

Қадрият муаммоси – жуда кўп қиррали, кенг маънодаги тарихий тушунча бўлиб, тарихий зарурият ҳар бир шахсдан инсониятнинг минг йиллар давомида яратган моддий ва маънавий қадриятларни ўрганишни ва улардан авлодлар тарбиясида оқилона фойдаланиш билан бирга турмушга тадбиқ этиб боришнинг зарурлигини тақозо этмоқда.

Машҳур адиб Чингиз Айтматов маънавий қадриятларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини қуйидагича баҳолайди: “Инсоният идеаллари ютуқлари сифатидаги моделларда бизнинг ижтимоий тузумимизни характерлайдиган маънавий принципларнинг баҳридан ўтмаслигимиз лозим. Бу принциплар ичида энг асосийлари – жамият фаровонлиги йўлидаги ҳалол меҳнат, кишилар ўртасидаги инсоний муносабатлар ва ўзаро ҳурмат, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, адолатсизлик билан

келишмаслик кабилардир. Аслида, булар диёнатнинг таркиблари бўлиб, ўз ўрнида, диёнат фуқаровийликни ҳаракатга келтирувчи кучдир... Маънавият – бу инсон учун дастлабки ва энг асосий мавжудлик қонунидир. Уни ҳар бир авлод, ҳар бир индивид ўтмиш аждодларнинг муқаддас ва бузилмас мероси сифатида қабул қиладилар”¹.

Илмий адабиётларда “қадрият”, “қадриятлар тизими” тушунчасининг турли хил таърифларини учратиш мумкин. Қадрият инсон ва жамиятнинг ташқи оламга муносабатининг, уларнинг ички эҳтиёжлари ва воқеликка муносабатлари билан уйғунлашуви натижасида юзага келади.

М.А.Макаревич қадриятлар тизимини қуйидаги гуруҳларга ажратган:

ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи (яхшилик, ёмонлик, бахт, фаровонлик), универсал (ҳаётий (витал), демократик, ижтимоий обрў-эътибор, шахсий ривожланиш, шахслараро муносабат), норасмий (анъанавий, диний ва урбанизацияга оид) ва жамоавий (ўзаро бир-бирига ёрдам бериш ва бирдамлик). Ҳаётий (витал) қадриятларга деганда, инсон ҳаётини муҳофаза қилиш ва узайтиришга йўналтирилган бирламчи ва оддий эҳтиёжлар тушунилади. Ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи қадриятлар эса, мураккаб тузилишга эга бўлиб, бутун инсон ҳаётини мураккабликлари ва ғаройиботларга бойлигини ифода этади².

Ёшларда маънавий қадриятларни ривожлантиришга хизмат қилувчи йўналишлардан бири ўқув

¹ Айтматов Ч. Верю в человека // Сбор. соч. В 7-х т. Т.7. – М.: 1998. – С. 478.

² Макаревич М. А. Ценность // Российская социологическая энциклопедия / Под общ. ред. Акад РАН Г.В. Осипова. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1998. – С.609-610.

жараёнини ахборотлаштиришга услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва унинг дидактик таъминотини такомиллаштиришдир.

Таъкидлаш жоизки, барча ўқув фанларини ўрганишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Шу билан бирга, ахборот технологиялари воситалари бир қатор дидактик афзалликларга эга бўлган ва таълим усуллари, шакллари ҳамда мазмунини сифат жиҳатидан ўзгартириш имконини берадиган янги интерактив таълим воситалари сифатида ишлайди.

Ахборот барча манбаларда турлича изоҳлансада, мазмун-моҳияти деярли бир хил. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари” тўғрисидаги Қонуни-нинг 3-моддасида кўрсатилганидек, “ахборот – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар”¹дир. Далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён каби объектлар ҳақидаги билим² ҳамда тушунчалар ёки буйруқлар. Маълум хос матнда аниқ маънога эга бўлган тушунчаларни ичига олувчи далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён, тақдимот каби объектлар ҳақидаги билим. Қизиқиш уйғотиш мумкин бўлган ва сақланиши ва қайта ишланиши лозим бўлган жами далил ва маълумотлар. Китоб матни, илмий формулалар, банк ҳисоб рақамидан фойдаланиш ва тўловлар, дарс жадвали, ўлчаш мажмуаларининг ер ва

¹ <https://lex.uz/acts/52268>

² Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010. 576-б. ISBN 978-9943-11-078-6 <http://n.ziyouz.com/books/lugatlar/Axborot/kommunikatsiya/tehnologiyalari/izohli/lug'ati.pdf>

фазо станцияси ўртасидаги масофа тўғрисидаги хабарлар ва бошқа ахборот бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКОнинг “XXI аср учун очиқ таълим тизими” дастурида иштирок этиб келмоқда. Мазкур ҳужжатда таълимни инсонпарварлаштириш, ахлоқий фазилатларни шакллантириш ўз аксини топган. Таълимни инсонпарварлаштиришнинг моҳияти бир вақтнинг ўзида иккита муаммони ҳал қилишга қаратилган. Булар шахсни шакллантириш, шунингдек етук мутахассис тайёрлашдир. Бугун инсоният цивилизацияси ўз тараққиётининг янги босқичига – саноатдан ахборотга ўтмоқда. Ахборот жамиятига ўтиш бизни олий таълим муассасалари талаба-ларининг доимий ўзгариб бораётган ахборот технологиялари дунёсига муносиб йўналтирилган малакали, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш зарурлигини тақозо этади. Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳеч қандай тўсиқларсиз, камчиликларсиз, ўзига хос тарзда амалга оширилади.

Ҳозирги шароитда компьютер саводхонлиги маданиятнинг энг муҳим белгиларидан бирига айланган. Талабаларда маънавий қадриятларни ривожлантиришда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг роли катта. Замонавий ахборот технологиялари воситаларига компьютер, сканер, видеоқўз, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, факс модем, телефон, электрон почта, мультимедиа воситалари, Интернет ва Интранет тармоқлари, мобиль алоқа тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, сунъий интеллект тизимлари киради.

Ахборот технологияси воситалари, биринчи навбатда, маълум бир амалларни онгли ва режали амалга оширишни назарда тутди. Бу мураккаб жараён бўлиб, унинг таркибига қуйидагилар киради:

- компьютер, шунингдек, принтер, модем, микрофон ва овоз эшиттириш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори, чизиш планшети, муסיқали клавиатура ҳамда уларнинг дастурий таъминоти;

- ускунавий дастурий таъминот;

- виртуал матн конструкторлари, мультипликациялар, муסיқалар, физик моделлар, географик хариталар, экран процессорлари ва ҳ.к.;

- ахборотлар мажмуи – маълумотномалар, энциклопедиялар, виртуал музейлар ва ҳ.к.;

- техник кўникмалар тренажёрлари (тугмачалар мажмуидан тугмачаларга қарамасдан маълумот киритиш, дастурий воситаларни дастлабки ўзлаштириш ва ҳ.к.).

Юқорида кўрсатиб ўтилган ахборот технологиялари воситаларининг марказини компьютер эгаллайди. Бугунги шароитда компьютерлардан таълим соҳасининг асосан тўрт йўналишида фойдаланилади:

- ўрганиш объекти сифатида;

- ўқитишнинг техник воситалари сифатида;

- таълимни бошқаришда;

- илмий-педагогик изланишларда.

Таълимий-тарбиявий жараёнда эса, компьютерлар тўрт ҳолатда қўлланилади:

- пассив қўллаш, бунда компьютер оддий ҳисоблагич сифатида;

- реактив мулоқот – компьютер имтиҳон олувчи сифатида;

– фаол мулоқот – компьютер талабага йўл – йўриқ бериш ва имтиҳон олишда;

– интерфаол мулоқот – компьютер сунъий интеллект сифатида, яъни талаба билан мулоқот қилишда фойдаланилади.

Маънавий қадриятларни ривожлантиришда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини фойдаланиш ижтимоий фанларни ахборотлаштиришни, ўқув фаолиятни интеллектуаллаштиришни, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришни, таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Қадрият муайян жамиятда инсон тарбиясига ҳар томонлама таъсир этиш омилига айланганда у онг сифатида шахс иродаси, ҳаракат меъёри, ақли етуклигини тўлдиради, ўз навбатида, бурч билан хоҳиш ўртасидаги тафовутларнинг англаб етишига ёрдам беради. Натижада маънавий қадриятлар, тарбиянинг ривожланиши – муайян жамиятдаги шахс камолотининг белгиси бўлиб ижтимоий тadbирларга бўлган муносабатда яққол кўринади. Ўтмиш авлод қадриятларига ворислик қилиш, аввало, ҳар бир шахснинг ўз-ўзини чуқур англаб етишига боғлиқдир.

Тарбиявий жараёнларни замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш, биринчидан, электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар, компьютер дастурчилари, тегишли мутахассисларнинг бирлашувини таъминласа, иккинчи томондан таълим жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини мониторинг этишни тақозо этади.

Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштиришда мультимедиа, видео, электрон мажмуаларнинг роли катта.

Хусусан, мактаб ўқувчилари учун “Ҳунармандчилик ва унинг турлари”, “Бухоро халқ ҳунармандчилиги”, “Миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар уйғунлиги” мавзуларида тайёрланган мультимедиаалар ёшларнинг дастлабки билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашда аҳамияти беқиёс.

Миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш талабига касбий билимларни эгаллашига;

- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали ижтимоий фанларни чуқур ўзлаштирилишига;

- ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил изланишининг ривожланишига;

- интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;

- талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;

- ахборот маданиятининг шаклланишига;

- ўрганилаётган бирламчи манбаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишни ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот технологиялари асосида талабаларда мазкур маънавий қадриятларни ривожлантиришда

педагогик дастурий воситалар ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита ҳисобланади. Улар маънавий тарбия самарадорлигини оширишнинг истиқболли шаклларида бири ҳисобланиб, замонавий технологияларнинг ўқитиш воситаси сифатида ишлатилади. Педагогик дастурий воситалар таркибига ўқув фани бўйича аниқ дидактик мақсадларга эришишга йўналтирилган дастурий маҳсулот (дастурлар мажмуаси), техник ва методик таъминот, қўшимча ёрдамчи воситалар киради. Бундай воситаларни яратиш олий таълим муассасалари талабалари учун энг асосий фаолият тури ҳисобланади.

Педагогик дастурий воситалар ичида ўргатувчи дастурлар асосий ўрин эгаллайди. Бу талаба ёшларни янги билимларни ўзлаштиришга йўналтиради.

Электрон мажмуа – бу ўқув жараёнининг узлуксизлиги ва тўлиқлигини, шунингдек назарий ва амалий ўқув фаолиятини материаллар билан таъминлайдиган, ахборотни назорат қилувчи комплекс мақсадли ўқув дастурий таъминот тизими ҳисобланади. Электрон мажмуани тизим сифатида ҳисобга олган ҳолда, унинг элементларини (компонентларини) ажратиб кўрсатиш, ҳар бирининг тизимдаги ўрнини белгилаш ва таркибий қисмларнинг уланишларини аниқлаш керак. Электрон мажмуанинг хусусиятларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- 1) ахборот тизими;
- 2) автоматлаштирилган таълим тизими;
- 3) техник тизим.

Электрон мажмуа учун технологик талаблар қуйидагиларга қаратилган:

- талаба фаолиятини қўллаб-қувватлаш (дўстона интерфейсдан фойдаланиш, навигация тизими) орқали бошқариш;

- ўқув материални оқилонга ўрганиш (бўлим, мавзу, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш);

- кўп функцияли дастурий иловаларни қўллаш, web 2.0 технологиялари имкониятларидан, шунингдек, талабаларга маълумот етказиб бериш технологиясига таъсир қилувчи бошқа Интернет хизматларидан фойдаланиш (RSS – Really Simple Syndication, Виртуал маълумот, булутли технологиялар, мультимедиа маълумотларини тарқатиш тизимлари (YouTube), SlideShare хизмати ва бошқалар);

- замонавий илмий алоқа воситалари – вебинарлар, видео конференциялар, Интернет-форумлар, илмий ижтимоий тармоқлар ёрдамида ўқув жараёнининг барча иштирокчиларининг коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш.

Шундай қилиб, электрон мажмуалардан фойдаланган ҳолда, миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантириш, ўқув жараёнининг самарадорлиги қуйидаги шартлар бажарилганда таъминланиши мумкин:

- 1) агар мажмуани лойиҳалаш ва уни ўқув жараёнига қўллаш нуқтаи назардан белгиланган тамойиллар, яъни тизимли психологик, педагогик ва ахборот ёндашувлари асосида амалга оширилса;

- 2) агар ўқув жараёнининг яхлитлигига, индивидуаллашувига ва талабаларнинг ўқув ва когнитив фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам берадиган комплекс таркибий қисмларининг

дастурий таъминоти ва услубий таъминоти ишлаб чиқилган бўлса.

Талабани маънавий-ахлоқий шахс сифатида ривожлантиришга йўналтирилганлик бугунги кунда мутлақо янги маънога эга бўлган фаолиятнинг янги шартларини ҳисобга олиш асосида амалга оширишни тақозо этади.

Ҳунармандчилик ва урф-одатлар бирлигини ўзида мужассам этган электрон дарсликлар яратишда дарсликнинг кириш қисмидаги материал обдон тузилмалаштирилиши (бўлим ва бутун курс таркиби, улар орасидаги алоқалар) лозим.

Ҳар бир бўлим (мавзу)га кириш қисмидан ташқари қуйидагиларни киритиш фойдалидир:

- вазифанинг қўйилиши (муаммонинг моҳияти: миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар);
- асосий вазифаларни ва уларни ҳал қилишнинг муҳимлигини кўрсатиш;
- иллюстрациялар, мультипликациялар, курс, бўлимнинг турли бандлари бўйича клиплар;
- аудио фрагментлар;
- методлар, усуллар, уларнинг амалий қўлланилишини кўргазма қилувчи ҳаракатлар;
- ўтган материални такрорлашга бўлган ҳаволалар;
- назорат машқлари (тестлаш, вазифалар бериш);
- глоссарий;
- асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати.

Электрон дарслик бошқа ҳар қандай дидактик материал каби таълим мазмунини ўзида жамловчи ўқитиш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Электрон дарсликни лойиҳалаш жараёни – умумий тадқиқот стратегиясининг компоненти

бўлиб, у лойиҳалаш назарияси ва технологияси масалаларини масофавий таълимнинг назарияси ва технологияси билан биргаликда ечишни кўзда тутди.

Электрон дарслик лойиҳаси босқичли тузилмага эга: концептуал, технологик, операционал ва амалга ошириш босқичи.

Концептуал даражада қуйидаги муолажалар бажарилади:

- ўқув фаолиятининг мақсадлари аниқланади;
- ўқув модели берилади;
- технологик механизмлар ва масофавий таълимнинг аниқ кўрсатма кўринишида ифодаланиши лозим бўлган психологик механизмлари ва таърифлари таърифланади;
- талабалар билиш фаоллигининг қандай турларидан фойдаланиш режалаштирилганлиги аниқланади;
- бошқарув усули, қайтар алоқа тури, ўқитилаётганларнинг мустақиллик даражаси аниқланади.

Технологик даражада электрон дарслик лойиҳаси ўқув фаолиятини бошқариш бўйича аниқ кўрсатмалар кўринишида таърифланади, улар эса, ўз навбатида, таълим технологияси даражасига ўтказилади.

Операционал даражада қуйидагилар аниқланади:

- таълимни индивидуаллаштириш даражаси;
- амалга ошириш лозим бўлган мулоқот турлари;

– бошқарув ва қайтар алоқа турлари.

Амалга ошириш босқичи икки: дидактик ва дастурий амалга ошириш босқичини ўз ичига олади. Улардан биринчиси таълимий таъсирларнинг тизими ва алгоритмини ўз ичига олади ва сценарий кўринишида таърифланиши мумкин. Дастурий амалга ошириш босқичи ҳар бир ўқитиш пайтида тизим қандай ҳаракат қилишини билдиради.

Электрон дарсликни тайёрлашда муҳим давр бўлиб, электрон дарсликнинг алоҳида қисмлари ҳамда аудио- ва видео сюжетларнинг ўзаро ҳаракати сценарийсини тайёрлаш хизмат қилади, бу даврда компьютернинг кучли аудио- ва видео имкониятлари алоҳида жалб қилиниши мумкин.

Электрон дарсликни ишлаб чиқиш сценарийси қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– ишлаб чиқишда иштирок этувчиларнинг барчасига тушунарлилиги;

– таълимнинг ҳар қандай даврида тизимнинг ҳар бир ҳолатини етарли даражада аниқ таърифлашни таъминлаш;

– ўқувчиларнинг сўровларига тизимнинг жавоб қайтариши усулларининг мавжудлиги;

– таълимнинг барча босқичларида таълим жараёнининг психологик-педагогик хусусиятларини ҳисобга олиш;

– бошқа дидактик воситалар билан ўзаро ҳаракат қилиш имкониятларини таъминлаш.

Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштиришда мустақил таълим ҳам ўз ўрнига эга.

Мустақил таълимга тайёргарлик, бизнинг фикримизча, етарли касбий билимлар ва уларни қўллаш малакаларидан йиғилади. Мустақил таълим фаолияти кўникмаларининг турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ахборот-таҳлил (муаммо бўйича манбаларни танлаб олиш);

- замонавий маълумот-кутубхона аппаратида, библиографик ва манбашунослик маълумотларидан, шу жумладан, компьютер ахборот банкларидан фойдаланиш;

- танишув машғулоти, тез ўқиш методикасидан фойдаланиш;

- рефератлар, ахборот материаллари бўйича маълумотлар, режалар, конспектлар ва оммавий чиқишларнинг матнларини тузиш;

- фаолиятни мустақил ташкил этиш кўникмалари (мустақил ишни режалаштириш, унинг натижаларини тахмин қилиш, мақсадни, гипотезани ва уни текшириш йўллари шакллантириш);

- олинган натижаларни қайта ишлашнинг турли усулларида, шу жумладан, математик статистикадан фойдаланиш;

- рефлексив кўникмалар (мустақил таълим фаолиятининг қийинчиликларини аниқлаш, уларнинг табиатини аниқлаш, келажак фаолиятни

моделлаштириш, танқидий фикрлашнинг шаклланиши).

Бизнингча, ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштиришда “Миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги” махсус курсини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Курс материалларида миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ўрганишнинг долзарб методологик, педагогик ва ташкилий масалалари кўриб чиқилади. Ишлаб чиқилган махсус курснинг муҳим жиҳати шундаки, унинг мазмуний моҳияти янги педагогик технологиялардан фойдаланилган ўқув жараёнини солиштиришдан иборат.

Махсус курснинг мақсади – ёшларда ҳунармандчилик, унинг турлари, устоз-шогирд муносабатларини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари, урф-одатлар бирлиги муносабатларини шакллантириш тўғрисидаги зарур билимларни эгаллаш деб белгиланди. Бундан ташқари, курсга ёшларда ҳунар эгаллаш бўйича керакли материаллар ва жиҳозлардан фойдаланиш билан боғлиқ компетенцияларни ривожлантириш мақсадлари ҳам киритилди.

Махсус курсни амалга ошириш жараёнида қўйилган мақсадга мос равишда қуйидаги вазифалар ечилди:

– ёшларнинг миллий халқ ҳунармандчилиги соҳасидаги билимларини кенгайтириш;

– ёшларнинг ҳунар эгаллашидаги дидактик имкониятлар тўғрисидаги тушунчаларни шакллантириш;

– узлуксиз педагогик таълимда ҳунар эгаллаш, урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштириш бўйича устоз-ҳунармандлар тажрибаси билан таништириш;

– ўқитишнинг замонавий ахборот-таълим муҳитини шакллантириш учун шароитлар яратиш;

– турли ҳунар турлари билан таништириш ҳамда педагогик мулоқот, педагогик ҳаракат, таълим жараёнини ташкил этиш вазифаларини самарали амалга ошириш мақсадида уларни англаган ҳолда танлашни рўёбга чиқариш учун тайёрлаш.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бир олий ўқув юрти маданият даражаси юқори, маънавий дунёси бой бўлган битирувчи кадрларни тайёрлаш зарурлигини англаб етган. Талабаларда маънавий қадриятларни ривожлантириш жараёнида уларнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва рағбатлантириш имконини берувчи бирламчи манбаларнинг тарбиявий салоҳияти қуйидагилардан иборат:

– мавжуд анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, маданиятга ҳурмат руҳини тарбиялайди;

– она юртга муҳаббат, адолат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, муҳаббат, бағрикенглик каби фазилатларни шакллантиришни фаоллаштиради;

– хулқ-атвор маданиятини, мулоқотнинг ахлоқий меъёрларини шакллантиради;

– реал дунёнинг ҳақиқий алоқаларини солиштириш кўникма ва малакаларини ривожлантиришни рағбатлантиради, реал воқеаларни бир-бири билан ўйлашга ва солиштиришга ўргатади;

– эстетик эҳтиёжлар ва эстетик маданиятни ривожлантиради;

– атрофдаги воқеликка фаол, ижодий муносабатни шакллантиради;

– ўз-ўзини тарбиялаш, ўзини ўзи англаш руҳини тарбиялайди.

Таъкидлаш жоизки, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни уйғунлаштирувчи қадриятлар тизими биз қураётган демократик, фуқаролик жамиятининг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот доирасида ўтказилган изланишлар ва олинган натижалар қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1. Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантириш бўйича ўзбек халқининг анъаналари, нақшлари, миллий матолари, зардўзлик санъати, миллий либослар, заргарлик буюмлари билан ифодаланган халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги асосида олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ўрганиш, ўқитиш методикаси ва ўқув дастурлар мазмунини таҳлил қилиш таълимнинг турли босқичларида ўқитиш назарияси ва амалиётини танқидий англашга имкон берди.

2. Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ўзбек халқининг анъаналари асосида ривожлантириш бўлажак мутахассиснинг касбий маданиятининг асосий қисми бўлиб, ўз ичига маданий ва касбий хосликлар (ўзбек халқининг анъаналари, халқ амалий санъати тўғрисида чуқур билимларга эгаллиги; ижодий фаолият тажрибаси)ни қамраб олади

3. Фалсафий, педагогик, психологик адабиётларнинг таҳлил қилиш асосида ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантиришнинг устувор таркибий қисмлари аниқланди.

4. Ўзбек халқи анъаналари асосида талабаларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди. Модел мақсадли, мазмунли, методик, натижавий босқичларни; мотивацион-қадриятли, когнитив, фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи компонентларни; педагогик шарт-шароитларнинг мажмуавий йиғиндисидан иборат.

5. Ёшларни касбий фаолиятга тайёрлашда ўзбек халқининг анъаналари асосида миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантириш зарурати асослаб берилди.

Тадқиқот хулосалари асосида талабаларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Умумтаълим, профессионал ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига миллий халқ ҳунармандчилиги, ўзбек халқ анъаналари ва халқ амалий санъатига хос бўлган ноёб жиҳатларини ифодалаган, талаба ёшларнинг шахсий – қадриятли фазилатларини шакллантиришга қаратилган махсус ўқув курсларни киритиш керак.

2. Ўзбек халқининг ҳунармандчилик маҳсулотларини ноёблигини тарғиб қилиш учун уларни халқаро кўргазмаларда кенг намойиш этишни ташкил этиш зарур.

3. Ўқув жараёнига ўқувчи-талабаларни ўзбек халқи анъаналари асосида касбий фаолиятга

тайёрлашда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривожлантиришни таъминлаш учун методик ишланмаларни киритиш, шунингдек, аудиториядан ташқари таълим шакллари, яъни экскурсия-дарс (музейлар, кўргазмалар, ҳунармандчилик уста-хоналарига) жорий этиш керак.

4. Ўқитишнинг виртуал таълим майдони (масофавий) каби замонавий ўқитиш тизимини ташкил этиш билан ўзбек халқининг анъаналари, миллий амалий санъати ва ҳунармандчилиги асосида ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари учун ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТЎГАРАГИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6017-сонли “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 30.06.2020 йил Фармонида ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-ҳунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашиш, иқтидорли ёш адиб, рассом ва ҳунармандлар ўртасида ижодий кўрик танловлар ташкил этиш, ёш муаллифларнинг ижод намуналари, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш, санъат асарларини яратиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам ўз аксини топди. Ушбу ҳужжатлар ёшларни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, касб-ҳунарга ўргатиш, “Устоз-шогирд” тизимини йўлга қўйишда аҳамияти беқиёсдир. Бунда, биринчи навбатда, мактабларда ташкил этиладиган тўғаракларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабда миллий ҳунармандчилик тўғараги синфдан ташқари ишларни ташкил этишнинг ихчам шакли бўлиб, ўқувчиларнинг ҳунармандлар билан иш устида учрашуви ва касб-корни ўрганишида тайёргарлик кўриш, мактабда миллий ҳунармандчилик бурчаги ёки музейи ташкил қилишнинг асосий ўчоғи ҳисобланади.

Тўғарак ташкил қилишдан олдин ўқитувчи дарс ҳамда синфдан ташқари ишлар давомида ўқувчиларда тўғаракка нисбатан қизиқиш уйғотиши лозим.

Тўғарак асосини ҳунармандчилик соҳаларига ҳавас қўйган, уни чуқурроқ ўрганишга интиланган иштиёқманд ўқувчилар ташкил қилади.

Ҳар бир ўқитувчи миллий ҳунармандчилик тўғараги ташкил қилишдан олдин ҳунармандчилик устахоналари бўйлаб уюштирилган экскурсиялар давомида ўқувчиларда миллий ҳунармандчилик турларига нисбатан қизиқиш уйғота билиши лозим. Навбатдаги вазифа тўғарак қатнашчилари қизиқишларини ҳар томонлама рағбатлантиришдир. Тўғарак иши бир қолипда олиб борилмасдан, унинг иш усуллари турли-туман бўлиши керак.

Тўғаракнинг фаолияти кўп ҳолларда унинг дастлабки машғулоти қандай ўтилишига боғлиқ. Тўғарак муайян режа асосида ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Режада тўғаракнинг мақсади, иш услуби ўз аксини топиши керак.

Тўғаракнинг мақсади ўқувчиларни ҳунармандчилик соҳалари билан таништириш ва уларни миллий урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат.

Тўғарак ишига ҳунармандчилик соҳалари билан астойдил қизиқадиган, изланувчан ўқувчиларни жалб этиш лозим. Машғулотларни ҳафтада икки марта ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Машғулотларни ўтказишдаги асосий мақсад қуйидагиларни ҳал қилишга қаратилмоғи даркор:

1. Миллий халқ ҳунармандчилиги ривожини.
2. Ҳунармандчилик соҳалари ва урф-одатлар бирлигини.

Тўғаракнинг асосий иш фаолиятидаги муҳим шартлар қуйидагилардан иборат бўлмоғи даркор:

1. Миллий ҳунармандчилик тўғараги ўқувчиларнинг ихтиёрий уюшмасидир.

2. Иш жараёнида тўлиқ ошкоралик бўлиши, яъни тўғарак аъзолари ҳунармандчилик сирларидан тўлиқ хабардор бўлиши.

3. Тўғарак аъзоларининг ҳар бир топширилган ишни масъулият билан бажариши.

Тўғаракнинг иш режаси ўқувчилар билан биргаликда маслаҳатлашиб, мактабнинг ўлкашунослик ишларига бевосита ёки билвосита алоқаси бўлган ўқитувчилар – тарих, адабиёт, амалий санъат фани ўқитувчилари билан фикр алмашилгач, барча фикр ва мулоҳазалар ҳисобга олиниб тасдиқланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчи ёшларнинг миллий ҳунармандчилик соҳалари тараққиёти, шунингдек ушбу соҳада урф-одатлар мужассамлигини тушуниб олишлари, билимларини кенгайтиришлари, касб-корга бўлган муносабатларини тўғри ташкил этишда экскурсияларнинг роли беқиёс. Ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида экскурсия ишларида иштирок этишининг амалий аҳамияти шундаки, экскурсия давомида тўпланган материаллар мактабда “ҳунармандчилик бурчаги” ёки ҳунармандчилик музейи ташкил қилиш имкониятини беради.

Таъкидлаш жоизки, экскурсия ишларида иштирок этиш ўқувчиларнинг интизомига ҳам таъсир қилади. Таътил ёки дарс вақтида ташкил қилинган экскурсиялар натижаси асосида айтиш мумкинки, интизоми бўш ўқувчилар ташрифлар сўнггида пешқадамлар сафига қўшилган ва кейинчалик

ўзлаштиришлари ҳам яхшиланган. Демак, ҳунармандчилик соҳаларига уюштирилган экскурсияларда бўш ўзлаштирувчи ва интизоми паст ўқувчиларнинг иштирок этиши ҳар томонлама мақбул ҳисобланади.

Миллий ҳунармандчилик соҳалари ва урф-одатлар бирлигини ўрганишда қуйидаги йўл-йўриқларга риоя қилиш тавсия этилади:

Биринчидан, бу материаллар ўқувчиларнинг онги ва сезгисига таъсир қилиб, уларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотиши лозим;

Иккинчидан, ҳунармандчилик соҳаси урф-одатлар билан боғлаб ўрганилса, мавзу ўқувчилар учун аниқ ва тушунарли бўлади, аниқ касб-корга йўналтирилади;

Учинчидан, ўқувчиларда ҳунармандчилик соҳаси тараққиётини кузатиш ва уни урф-одатлар билан боғлаш хусусияти вужудга келади;

Тўртинчидан, ўқувчиларда ўз жонажон ўлкасига нисбатан қизиқиш уйғотади, она-Ватанга бўлган меҳрини янада оширади.

Миллий ҳунармандчилик тўғараги ишининг мазмуни ўқувчиларнинг билим савиялари ва малакаларига кўра турлича бўлади. Масалан, V-VI синф ўқувчилари учун тўғаракнинг асосий вазифаси ўқувчиларни миллий ҳунармандчилик турлари билан таништиришдир. VII-XI синф ўқувчиларида эса, тўғарак фаолиятининг мазмуни тобора кенгайиб боради.

Машғулотлар қуйидаги режа асосида ўтказилади:

1. Миллий ҳунармандчилик – халқ маданиятининг таркибий қисми.
2. Миллий ҳунармандчилик турларининг ривож.

3. Миллий ҳунармандчилик турлари ва урф-одатлар бирлиги.

Тўғаракнинг асосий органи бўлган тўғарак кенгаши аъзолари унинг йўналиш турлари хусусиятига кўра, сайланиб, вазифалар қуйидагича тақсимланиши мумкин:

1. Тўғарак кенгашининг ҳар бир аъзоси раис, раис муовини вазифасига сайланади. Раис тўғарак раҳбарининг энг яқин ёрдамчиси ҳисобланади.

2. Сайланган котибнинг вазифаси барча ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириб боришдан иборат.

Тўғаракнинг иш усуллари. Тўғаракнинг иш усули асосий йўналишлар бўйича аниқланади. Изланувчанлик, тадқиқотчилик унинг моҳиятини ташкил қилади.

Ўқувчи ёшларнинг миллий ҳунармандчиликка оид касб-кор ўрганишларида, билимларини кенгайтиришда экскурсияларнинг роли беқиёсдир. Экскурсиялар давомида ўқувчилар маълум ҳунармандчилик турининг тарихий воқеа ва урф-одатлар билан боғлиқ бўлган жиҳатларини кузатадилар. Экскурсиялар ўқувчиларнинг тарихий жараёнлар ҳақидаги тасаввурларига аниқлик киритади, бу жараёнлар ривожланиб борган вазият билан таништиради.

Эътиборли жиҳати шундаки, миллий халқ ҳунармандчилиги тизимида урф-одатлар алоҳида ўринга эга. Устоз шогирдига ҳунар ўргатаётганда, албатта, ушбу ҳунар замирида ётган урф-одатлар, қадриятларни ҳам тушунтирган. Шунинг учун қайси бир ҳунар хусусида маълумот олмоқчи бўлсак, албатта, унинг келиб чиқиш тарихида урф-одатлар асосий ўрин эгаллаганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Экскурсиялар миллий ҳунармандчиликни ўрганишнинг асосий шаклларидан бўлиб, ўқувчиларни ўлка ҳунармандчилиги билан янада чуқурроқ таништиришнинг омилларидан бири ҳисобланади. Этнографик экскурсиялар музейларнинг этнографик экспедициялари бўйлаб уюштирилади. Бунда ўқувчи ёшларда кийим-кечаклар, ҳунармандчилик, меҳнат қуроллари, хуллас, ўзбек халқининг бой этнографияси ҳақида бир бутун яхлит тасаввур вужудга келади. Экскурсиялар эгалландиган билим, кўникма ва малакага қараб, 2 хил бўлади:

1. Музейларга экскурсиялар
2. Ҳунармандчилик марказларига экскурсиялар.

Экскурсия мавзуи унинг мақсадидан келиб чиқади, албатта. Ўқитувчи экскурсия уюштиришдан олдин экскурсиядан кўзланадиган мақсадни аниқ белгилаб олиши лозим.

Миллий ҳунармандчилик ва урф-одатлар бирлиги тараққиётига оид материаллардан фойдаланиш ўқувчилар билимига янада аниқлик киритиб, уни мазмунан бойитади. Мазкур материаллардан фойдаланишнинг таълимий аҳамияти шундаки, улар ёшларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади, уларнинг тўғарақдаги фаолиятини оширади, мустақил фикр юритиш қобилиятини ўстиради. Тўғарақда ўрганилаётган ҳунармандчилик турининг мазмунига мос урф-одатларнинг ўрганилиши ўқувчиларнинг ўтилаётган мавзуни чуқурроқ ўзлаштиришига хизмат қилади. Бу эса педагогиканинг муҳим дидактик тамойилларидан ҳисобланган таълимда онглилик, фаоллик ҳамда билимни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш тамойилини амалга оширишнинг воситаларидан биридир. Этнографик материаллар

тарбиявий вазифаларни бажаришда муҳим воситадир. Ўқувчиларнинг моддий маданият ашёлари билан, турли даврларда яшаган халқларнинг ижод маҳсули билан яқиндан таништириш уларда гўзалликка бўлган муносабатини ҳам тарбиялайди.

Экскурсиялар кўзланган мақсадга қараб, турлича бўлади.

Биринчиси, дастлабки тўғарак машғулотида муайян мавзунини ўрганишдан олдин янги мавзуга нисбатан ўқувчиларни қизиқтириш ва уларни идрок қилишга тайёрлаш мақсадида ўтказиладиган экскурсиялар;

Иккинчиси, экскурсия давомида янги материаллар ўрганилади;

Учинчиси – тўғарак машғулотида бирор бир мавзунини ўрганиб бўлгандан кейин ташкил этиладиган экскурсиялардир.

Экскурсиялар давомида ўқувчи ёшлар:

- халқ ҳунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари билан танишади;

- ҳунармандчиликнинг ноёб турларидан хабардор бўлади;

- истеъмолчиларга ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфратузилмаси хусусидаги билимлари кенгайтирилади;

- ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилиш рағбатлантирилишини амалиётда кузатади;

- хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма ва ярмаркаларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларининг тақдироти ва унинг аҳамияти хусусида

маълумотларга эга бўлиб, ҳунармандчилик турларига бўлган қизиқиши янада ортади;

– тадбиркорлик билан шуғулланиш бўйича мотивацияга эга бўлади.

Экскурсиялар ташкил қилишдан олдин суҳбат ўтказилади. Суҳбатда экскурсиянинг мавзуи, йўналиш режаси маълум қилинади. Бундай суҳбат ўқувчи ёшларнинг бўлажак экскурсияга бўлган қизиқишини кучайтиради, уларга нисбатан муайян ҳиссиёт уйғотади.

Миллий ҳунармандчилик тўғаракларининг аҳамияти:

– ўзбек халқининг тарихий мероси, шунингдек ҳунармандчилик билан боғлиқ анъана ва урф-одатларини ўрганиш ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутди;

– халқ миллий ҳунармандчилиги эстетик тарбиянинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ёшларни миллий маданият, санъат билан таништиришга ёрдам беради;

– халқ миллий ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлигини идрок этиш ёшларда миллий ўз-ўзини англаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда аҳамияти катта;

– тарихий равишда шаклланган ҳунармандчилик турлари хусусиятларини таҳлил қилиш ёшларнинг халқ миллий ҳунармандчилигига бўлган қизиқишини оширади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда миллий ҳунармандчилик йўналишларини ривожлантириш, “Устоз-шогирд” анъаналарини давом эттириш борасида тизимли чора тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур чора тадбирлар қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган:

- унут бўлган халқ ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш;

- мулкчилик шаклидан қатъий назар, халқ амалий санъати анъаналари асосида фаолият юритаётган халқ усталари, ҳунармандлар, амалий санъат мутахассислари, ижодкор ёшлар фаолиятларини мувофиқлаштириш;

- улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобат муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларни амалга ошириш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш;

- иқтидорли болалар ва ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш;

- хайрия ва ҳомийлик фаолиятларини амалга ошириш.

Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлари бирлиги муносабатини такомиллаштиришда педагогик фанларнинг роли каттадир. Ҳозирги кун талабларидан келиб чиқан ҳолда, қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

- мактаб таълимида миллий халқ ҳунармандчилиги хусусида маълумот берувчи, шунингдек ёшларни ҳунарга даъват этувчи фанни жорий этиш;

- ҳар бир вилоятда тараққий этган ҳунармандчилик йўналишлари асосида мактабларда таълим бериш, устахоналар ташкил қилиш;

- мактабларда ихтисослаштирилган фанлар билан бирга ихтисослаштирилган ҳунармандчилик йўналишларини йўлга қўйиш;

– қадимий халқ ҳунармандчилиги масканлари, халқ усталари хусусида тўлиқ маълумот берувчи адабиётлар яратиш;

– миллий халқ ҳунармандчилиги йўналишлари бўйича оммавий ахборот воситалари (телевидение)да кўрсатувлар тайёрлаб, рекламаларни мунтазам янгилаб бориш;

– хориждан ва республикамиз вилоятларидан келган меҳмонларнинг халқ усталари, ҳунармандлар ишларини томоша қилишга қизиқиши баланд бўлганлигини инобатга олган ҳолда, экскурсиялар режасига киритиш.

**ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ МИЛЛИЙ
КАСБ-ҲУНАР МАРКАЗИ**

Лойиҳа мақсади:

- ✓ ўқувчиларнинг олган назарий билимларини амалиётга қўллаган ҳолда, мустақил ижодий меҳнат қилиш кўникмаларини таркиб топтириш;
- ✓ ҳунармандчиликнинг барча соҳалари билан танишиш ва уларни ўрганиш;
- ✓ касбий масъулият ҳиссини таркиб топтириш, миллий урф-одатларга, қадриятларга ҳурмат руҳини юксалтириш.
- ✓ ўсмир ёшларда жисмоний ва интеллектуал қобилиятнинг уйғун ривожланишини таъминлаш, шунингдек, ҳаётдаги фаол ўринга эга бўлиш, тадбиркорлик руҳини шакллантириш ва ривожлантириш;
- ✓ ёшларнинг касб-кор эгаллашларига кўмаклашиш.

Лойиҳанинг вазифаси:

- ✓ ўсмир ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш;
- ✓ ўзбек халқининг тарихий мероси, шунингдек ҳунармандчилик билан боғлиқ анъана ва урф-одатларини ўргатиш;

✓ халқ миллий ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлигини идрок этиш орқали ижодий қобилиятларини ривожлантириш;

✓ ёшларнинг халқ миллий ҳунармандчилигига бўлган қизиқишларини ошириш.

Лойиҳанинг долзарблиги:

Маълумки, Шарқ мутафаккирлари таълимотида ёшларга таълим ва тарбия бериш, уларга касб-ҳунар ўргатиш ғояси муҳим ўрин эгаллайди. Тарихий тараққиёт давомида устозидан касб-кор ўрганиб, ҳалол меҳнат қилган шогирдларни халқимиз жуда ҳурмат қилган. Доно халқимиз “Устозидан ўзмаган шогирд – шогирд эмас”, “Ҳунарли киши асло хор бўлмас”, “Устоз отадек улуғ”, “Таълим берган устозингдан айрилма” сингари мақолларни ижод этганлар ва фарзандаларининг баркамол бўлиб улғайишини орзу қилганлар. Касбий тарбия шахсни шакллантириш жараёнидир. Касбий тарбия дарс ва дарсдан ташқари фаолият жараёнида амалга оширилиб, касбни ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия жараёнини педагогик йўналтиради. Шундай қилиб, касбий тарбиянинг бош мақсади ёшларнинг меҳнатга ва касбий фаолиятга бўлган эҳтиёжларини шакллантиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш долзарб

бўлиб, мазкур лойиҳа ўқувчи ёшларда миллий халқ ҳунармандчилигига бўлган қизиқишларини шакллантириш ва ривожлантириш, келажакда тадбиркорлик фаолиятига бўлган интилишини кучайтиришда катта аҳамиятга эгадир.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли фармони (17.11.2017); “Ҳунарманд-чиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4539-сонли қарори (28.11.2019); “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли фармони (30.06.2020) ижросини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшади.


МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ

<i>(Бинога кириш файеси пештоқида Шарқ мутафаккирларининг ҳунар эгаллашга оид фикрлари мониторинг акс этиши лозим)</i>		
1	ГАРДЕРОБ (қиш мавсумида иссиқ бинода ноқулайлик вужудга келишининг олдини олишда устки кийим-бошларни сақлаш жойининг бўлиши лозим)	
2	МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ОШХОНАСИ (бунда ўқувчи ёшлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, урф-одат ва қадриятларга ҳурмат руҳини юксалтиришда ҳар бир миллий таомнинг тарихи билан боғлиқ маълумотлар ўз аксини топган, ўзбекона тарзда ишланган ошхона бўлмоғи даркор)	
3	ШИФОКОР ХОНАСИ (марказга ташриф буюрган ўқувчи ёшларнинг саломатлигини доимий назорат қилиш, турли касалликларнинг олдини олишда шифокор кўригининг роли катта)	

4	ПЕДАГОГ ХИЗМАТИ (ўқувчи ёшларга ҳунар ўргатишда педагогик маслаҳат асосий ўрин эгаллайди)	
5	ПСИХОЛОГ ХОНАСИ (ўқувчи ёшларнинг руҳиятини соғломлаштириш, уларнинг қизиқишини аниқлаш ва мотивация беришда роли катта)	
6. ТЎГАРАКЛАР		
	Зардўзлик (Шаҳардаги зардўз уста раҳбарлигидаги тўғарак устоз-шогирд тизимида фаолият кўрсатиб, ўқувчи ёшларга ҳунар ўргатади, республика ва халқаро танловларда иштирок этишга тайёрлайди)	
	Кулолчилик (Кулол уста раҳбарлигидаги тўғарак)	

	Заргарлик (Заргар уста раҳбарлигидаги тўғарак)		
	Каштачилик (Каштадўз раҳбарлигидаги тўғарак)	уста	
	Чеварлар (Чевар уста раҳбарлигидаги тўғарак)		
	Пазандачилик (Ошпаз уста раҳбарлигидаги тўғарак)		
	Мисгарлик (Мисгар уста раҳбарлигидаги тўғарак)		
ва бошқа тўғараклар			

7	УСТОЗ-ШОГИРД ТИЗИМИДА ТАЙЁРЛАНГАН МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК БУЮМЛАРИ ДЎКОНИ	
8	ЗАМОНАВИЙ АКТ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН МАХСУС ЎҚУВ ХОНА (Республика ҳунармандлари билан алоқани йўлга қўйиш, шунингдек видео-семинар ўтказишда аҳамияти катта)	
9	УСЛУБХОНА (Ҳунармандчиликка оид методик таъминот ҳамда мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва сақлаш)	
10	КЎРГАЗМАЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН ФАЙЕ (Ҳунарманд усталар раҳбарлигида ўқувчи ёшлар билан тайёрланган ҳунармандчилик буюмлари кўргазмасини ташкил қилишда аҳамияти катта)	

11	ГИГИЕНА ХОНАСИ	
12	МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК МАРКАЗИ РАЎБАРИ ХОНАСИ (республика ва халқаро танловлар соҳиби, бир неча шогирдлар тайёрлаган, халқ таниган ҳунарманд-уста)	

Анкета саволлари
(олий таълим муассасалари
ўқитувчилари учун)

1. Сиз “миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги” деганда нимани тушунасиз?
2. Тажрибангизга кўра, талаба ёшлар билан ишлашда нималарга эътибор қаратиш керак?
3. Сиз ўз фаолиятингизда ёшларда миллий халқ ҳунармандчилигига бўлган муносабатни шакллантириш учун қандай имкониятлар яратасиз?
4. Сиз миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлигини таркиб топтириш учун қандай педагогик чораларни қўллайсиз?
5. Миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини шакллантиришда қандай воситалар сиз учун қулай?
6. Педагогик фаолиятингизда талаба ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатини шакллантириш учун қандай методларни қўллайсиз?

Маънавий қадриятларимиз хазинасидан

Аввал бил, кейин қил.
Аввал ўрган, кейин ўргат.

Ақл кўпга етказар, ҳунар – кўкка.

Баракат – мағизда, ҳунарли қўл – оғизда.

Билган билганин ишлар, билмаган бармоғин
тишлар.

Бир йигитга қирқ ҳунар оз.

Бол тутган бармоғини ялар, ҳунари бор –
эрмагини.

Жони борнинг ғами бор, касби-кори номи бор.

Зеҳн қўйса, онг қўнар, ҳунар ортса, иш унар.

Илмсизга ишонч йўқ, ҳунарсизга қувонч йўқ.

Илму ҳикмат сувни ёндирар.
Илму ҳунар елга эмас, элга.

Текин бойлик ахтаргунча, ўзингга боп ҳунар
топ.

Тикансиз гул бўлмас, машаққатсиз – ҳунар.

Тиккан чевар эмас, бичган – чевар.

Уста, ишни қилар пухта.

Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.

Устадан шогирд ўзар.

Шайхнинг ҳунари бўлмаса, хонақоҳ танг.

Шогирд устадан ўтмаса, иш йитар.

Шогирдинг оқил бўлса, бошингда тож,
Шогирдинг эрка бўлса, бошга таёқ.

Шогирднинг бефаросати
Устозни муттаҳам қилар.

Юз туман олтиндан ҳунар яхши.

Юзга кирсанг ҳам, ҳунар ўрган.

Ўрганиш – бир ҳунар, ўргатиш – икки ҳунар.

Қизнинг кўрки – ноз, йигитнинг кўрки – ҳунар.

Қирсиз ер бўлмас, ҳунарсиз – эр.

Қунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг
унар.

Ҳар иш ўз устасидан кўрқар.

Ҳар ишнинг бир устаси бор, ҳар устанинг бир устози бор.

Ҳар касбнинг ўз гашти бор.

Ҳар ҳунарнинг ўз сири бор, ҳар ишнинг ўз ери бор.

Ҳунар ошатар, меҳнат яшнатар.

Ҳунар – бир, пардоз – қирқ.

Ҳунар бўлса қўлингда, нон топилар йўлингда.
Ҳунар – оқар булоқ, илм – ёнар чироқ.

Ҳунар тагида ҳунар бор.

Ҳунар – туганмас хазина.

Ҳунар тўйғизар, от миндириб, тўн кийгизар.

Ҳунар, ҳунардан унар.

Ҳунари борнинг олтин билагин бор.

Ҳунари йўқ кишидан
Бигизи бор ямоқчи яхши.

Ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг.

Ҳунарли йигит – мевали дарахт.

Ҳунарли киши оч қолмас.

Ҳунарли мой ошар, ҳунарсиз лой ошар.

Ҳунарли ўлмас, ҳунарсиз кун кўрмас.

Ҳунарлининг ҳунари муродига етказар.
Ҳунарсизнинг юрари қаро ерга етказар.

Ҳунаремднинг нони – бутун.

АРМОН

Ориффа Норовани хотирлаб

Куйган бандаларга куймадинг, дунё,
Яйраб яшашига қўймадинг, дунё.
Бир гули очилмай кимлар кетмоқда,
Яхшилар жонига тўймадинг, дунё.

Яшашга қўймайсан, тинчини олиб,
Бошига турли хил синовлар солиб.
Илмни куйлаган ёшларни олдинг,
Жаҳолат тўнини кийганлар қолиб.

Дунё, қучоқларинг тошга тўлгандек,
Инсонга гўёки меҳринг сўлгандек.
Орифадек қизлар хазон бўлса-ю,
Сенга сезилмаса чивин ўлгандек.

Мурғак гўдагини йиғлатиб зор-зор,
Митти юрагига бердинг кўп озор.
Онасин бир кўргин, ҳатто тушда ҳам
Боласин соғиниб кезмоқда мозор.

Болишлар устида суратлар кезар,
Гўзал сийратларни кўз ёшлар эзар.
Малаксиймо аёл ётган қабрни
Энди ҳар баҳорда лолалар безар.

Энди дил чандиғи сира битмайди,
Ширин хотиралар дилдан кетмайди.
Энди минг кечирим сўрама, дунё,
Она фарёдига кучинг етмайди...

11.04.2023.

Дилобар ЖЎРАЕВА

ИЛТИЖО

***Ёш, иқтидорли олима Орифа Норованинг
порлоқ хотирасига бағишлайман.***

Дунёга келмоқ ҳам, кетмоқлик ҳам бор,
Аммо бевақт ўлим ҳар недан оғир.
Бир ниҳол тақдирин тилга олган чоғ,
Унинг қисматидан вужудим оғрир.

Ўттиз ёш, бу қандай умр дегани,
Бир ниҳол камолга етмасдан сўлса...
О, осмон сен нега урмайсан фарёд,
Умидвор бир ғунча жувонмарг бўлса.

Бу нечук адолат, бу қандай тақдир,
Унинг қанча орзулари бор эди.
Оила, бир ажиб, нафис гўшаси,
Бир фарзанд билан у бахтиёр эди.

Онасин зорига осмон йиғлади,
Осмонга қўшилиб замон йиғлади.
Бу қандоқ адолат бўлдики, ё Раб,
У кунда оҳ уриб ҳар жон йиғлади.

“Илмнинг тахтига чиқмаган болам,
Ногоҳ тахта отга миндингми бугун.
Э воҳ, пешонамга сиғмаган болам,
Ноилож қисматга кўндингми бугун.

Ортингдан бўзлаган нолонинг қолди
Ҳам қизинг, ҳам тахту султонинг қолди,
Онангни қақшатиб қайга борасан,
Ушалмаган қанча армонинг қолди.

Э воҳ, китобларда қолган болам-а,
Меҳри офтобларда қолган болам-а,
Ортида қолдириб ёлғон дунёни,
Чин дунёга йўлин солган болам-а.

Орифам, оқилам, кўзимнинг нури,
Навқирон чоғида қайрилган гулим.
Сен ёдим, хаёлим, умрим шуури,
Сендан айиролмас мени шум ўлим...”

Эй осмон, Орифа гулни қабул эт,
Танграм, сийла ўшал Жаннатинг билан.
Малаклар боғида бир жой мақбул эт,
Ўзинг авф эт, сийла ҳимматинг билан.

Фарзандига бергин қолган умрини,
Кўнглига тўзим бер онаизорин.
Яқинлар қалбига сабр-қаноат,
Нур билан ёритгин ётган хонасин!

09.04.2023.

**Норова Орифа Зулфиқоровнанинг эълон
қилинган илмий ишлари рўйхати:**

1. О.З.Норова. Конституция – сиёсий ҳуқуқларимиздан фойдаланишда муҳим омил. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – демократик ислохотларни чуқурлаштириш асоси. – Бухоро, 2014. – 274-277-бетлар.

2. О.Норова. Шахсни ҳар томонлама камол топтириш буюк мутафаккирлар талқинида. “Таълим жараёнида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш – замонавий таълимнинг бош стратегияси” мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллар тўплами. Бухоро, 2016. 204-206 бетлар.

3. О.Норова. Маданий меросни асраш – конституциявий бурч. “Ўзбекистон Конституцияси – инсон манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати” мавзусида ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллар тўплами. Бухоро, 2017. 39-41 бетлар.

4. О.Норова. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли. “Аёл – фаол тадбиркорлик субъекти ва инновацион ғоя ташаббускори” мавзусида ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллар тўплами. Бухоро, 2018. 338-340-бетлар.

5. Т.Р.Собиров, О.З.Норова. Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик тимсоли. “Маънавий баркамол ёшлар – келажагимиз пойдевори” мавзусида ўтказилган илмий-назарий анжуман

материаллари тўплами. – Бухоро, 2018. – 42-45-бетлар.

6. О.Норова. Баркамол авлод тарбиясида касб таълими мутахассисининг роли. “Фаровон оила – жамият тараққиётининг асоси”. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2018. – 125-128-бетлар.

7. Норова Орифа Зулфиқоровна. Халқ миллий ҳунармандчилигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари. //Сўз санъати халқаро журнали. (2020) 4-махсус сон, 140-144-бетлар.

8. О.З.Норова. Мамлакатимиз аҳолисининг музей-шунослик маданиятини ошириш истиқболлари. //Ўтмишга назар. 10 (2020), 38-44-бетлар.

9. О.Норова. Ёшлар касб таълими Фитрат талқинида. Жаҳолатга қарши маърифат: ўтмиш ва ҳозирги замон. “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар” шиори остида буюк аجدодларимиз, жумладан, XX аср жаҳид адабиёти намояндалари ҳаёти, ижоди, тараққийпарвар ғоялари тарғиботига бағишланган вилоят миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2020. – 137-140-бетлар.

10. Норова Орифа. Амир Темур – буюк бунёдкор! Сборник материалов международной научной конференции «Актуальные проблемы исторических исследований. взгляд учёных». – Бухара, 2020. – С. 142-145.

11. O.Norova. Milliy xalq hunarmandchiligining yoshlar ma'naviyatidagi o'рни. Yangi O'zbekistonda ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligini ta'minlashning dolzarb masalalari. Yangi O'zbekistonda Uchinchi

Renessansga munosib poydevor yaratilmoqda” loyihasi doirasida tashkil qilingan Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Buxoro, 2021. – 93-95-betlar.

12. Norova Orifa Zulfiqorovna. Spiritual And Legal Basis For Improving The Relationship Of National Folk Crafts And Unity Of Traditions. The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021, 3 (07), 24–27. 7.

13. О.З.Норова. Миллий халқ хунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги: ўтмиш ва ҳозирги замон. //Педагогика ва психологияда инновациялар. 4 (2021), №3, 25-30-бетлар.

14. Орифа Норова. Ёшларда миллий халқ хунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатини такомиллаштириш омиллари. //Жамият ва инновациялар. 6 (2021), 220-224-бетлар.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикаси миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли “Маънавий-

маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғриси-да”ги фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сонли “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сонли “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва

илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сонли “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77-сонли “Ўунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Раҳбарий адабиётлар:

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 декабрда Ёшлар форумида сўзлаган нутқи.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 19 январь 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видео-селектор йиғилишидаги маъруза.

Китоб ва туркум нашрлар:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ, 2-жилд. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.
2. Абдувалиева М. Ўқувчилар касбга қизиқишининг психологик-педагогик омиллари // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2007, №1. – Б. 15.
3. Алиқулов Ҳ. Абу Наср Фаробийнинг ижтимоий-маънавий мероси. – Т.: “NOSHIR”, 2013. – Б. 72.
4. Андреева Г.А. Модернизация системы высшего педагогического образования в Англии: Монография. – М.: ИТОП РАО, 2002. – 227 с.
5. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. – Тошкент, 1964. – Б. 124.
6. Бекмуродов М.Б. Ўзбек менталитети. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. – 36 б.
7. Айтматов Ч. Верю в человека // Сбор. соч. В 7-х т. Т. 7. – М., 1998. – С. 478.
8. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: “Шарқ”, 2000. – 94 б.
9. Бегматов А. Ўзбекистон халқи маънавияти. (Ўқув қўлланма). – Т., 1995. – 104 б.
10. Булатов С.С. Ёшларга хунар ўргатишнинг миллий анъанавий асослари (методик тавсиянома). – Тошкент.: РУМЦ, 1999.
11. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Меҳнат, 1991.
12. Давлетшин М.Г., Жалилова С.И. Олий мактабда таълим жараёни самарадорлигининг психологик томонлари – Т.: ТДПУ, 2001. – 10 б.

13. Домбровский Г. Сюзане – вышивка из Средней Азии // Наследники Шелкового Пути. Узбекистан. – Штутгарт, 1995. – С. 263–282.
14. Жабборов А.М. Педагогик технологиянинг этник асослари. – Тошкент: “Зарқалам”, 2006. – 48 б.
15. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994. – 312 б.
16. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2003. – 207 б.
17. Жураев Н. Янгиланишлар концепцияси. – Т.: “Маънавият”, 2000.
18. Жўрақулов О., Эргашева Ж. Қашқадарё саноати тарихи. – Қарши, 1996.
19. Захаров С.М., Собиржонов А.С. Қарши. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1978.
20. Зиёмуҳаммадов Б. ва бошқалар. Маънавият асослари. (Дарслик). – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2000. – 192 б.
21. Зоҳидова Д.А. “Ҳунармандчиликка кириш” махсус курси бўйича дастур ва услубий тавсиянома. – Тошкент.: ЎМКҲТРИ, 2001.
22. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
23. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – 448 б.
24. Исаев И. Профессионально педагогическая культура преподавателя. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. – 208 с.

25. Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистонинг қадимий шаҳри. – Қарши: “Насаф”, 2006.

26. История Узбекистана (XVI – первая половина XIX) / Отв. ред. Д.А. Алимова. АН РУз Ин-т истории. – Т.: “Фан”, 2012.

27. Каримов И. Миллат шаъни. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2005. – 24 б.

28. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Тошкент, 1994. – Б. 48-54.

29. Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 47 б.

30. Канке В.А. Этика ответственности. Теория морали будущего. – М.: “Логос”, 2003. – 352 с.

31. Леви-Строс К. Структурная антропология./ пер. сфр. Иванов В.В. – М., 1985. – Б. 53.

32. Макаревич М. А. Ценность // Российская социологическая энциклопедия / Под общ. ред. Акад РАН Г.В. Осипова. – М.: “НОРМА-ИНФРА-М”, 1998. – С. 609-610.

33. Мазур В.А., Давидова Л.Г. Миллий ҳунармандчиликка ўқитиш ва уни ташкил қилиш. – Тошкент, 1994. – 24 б.

34. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конец XV–XVI в. – Ташкент: “Фан”, 1985. – С. 81.

35. Назаров Қ. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 122 бет.

36. Нажмиддинова К.У. “Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни”. – Т.: “Адолат”, 2016. – Б. 77.

37. Пардаева, М. Д., Узбекистан, Р., & Голди-Скотт, М.Р. Реформа школьного образования в Узбекистане: переосмысление методики обучения и оценки. ISBN 978-5-9929-0917-3© ОГУ имени ИС Тургенева. МОО «Академия информатизации образования», Коллектив авторов, 2020, 25.

38. Pardayeva, M. D. "Lazerlar va ularning turlari" mavzusini innovatsion usullarda o'qitishning afzalliklari. Молодой исследователь: вызовы и перспективы, 2020, pp. 722-724.

39. Педагогик аксиология. – Т.: "Fan va texnologiya" nashriyoti, 2012. – 165 б.

40. Пещерова Е.М. Гончарное производства Средней Азии. – М.-Л.: АН СССР, 1959. – С. 311.

41. Пугаченкова Р.А, Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – М., 1965.

42. Розов Н. Ценности в проблемном мире: философские основания и социальные приложения конструктивной аксиологии. – Новосибирск: Изд-во Новосибирского ун-та, 1998. – 292 с.

43. Рустамова Р.Ш., Бегматов А.С. Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий тадбирлар. Рисола. – Т.: "Маънавият", 2007. – 64 бет.

44. Рўзметов А. Маданиятда менежмент ва иқтисодиёт асослари. – Тошкент, "Ўқитувчи", 1998. – 208 бет.

45. Ртвеладзе Э.В., Аминов М. Сурхондарё. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.

46. Сагдуллаев А., Аминов М., Якубов Б. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: "Насаф", 1997.

47. Саъдий. Гулистон. – Т.: Адабиёт ва саънат. 1998.
48. Саифназаров И. Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоти. – Т.: “Шарқ”, 1996.
49. Сафаев Н.С. Духовность и национальное самосознание личности. Монография. – Ташкент: “Фан”, 2004. – 211с.
50. Сластенин В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Издательский центр «Академия», 2003. – 192 с.
51. Сурина И. Ценности. Ценностные ориентации. Ценностное пространство: вопросы теории и методологии. – М.: “Социум”, 1999. – 183 с.
52. Туленов Ж., Қодиров Б., Фафуров З. Маънавий юксалиш сари. – Т.: “Меҳнат”, 2000. – 192 б.
53. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – 319 б.
54. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 72 б.
55. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: “Akademnashr”, 2011.
56. Қобилов Э. Сурхондарё хўжалиги. – Тошкент, 2012.
57. Турсунов С.Т., Пардаев Т ва б. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. – Тошкент, 2013.
58. Турсунов С.Т., Пардаев Т. ва б. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2014. – 356 б.
59. Турсунов С. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: “Шарқ”, 2001.
60. Умаров А. ва бошқ. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001. – 39 б.

61. Шаҳрисабз – минг йиллар мероси. – Тошкент, 2002.

62. Шермухамедов С. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 30 б.

63. Шоумаров Г.Б. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизмат муаммолари //Янги турдаги ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. – Тошкент, 1998. – Б. 13-15.

64. Фаробий. Бахт-саодатга эришув ҳақида. Рисолалар. – Т.: “Фан”, 1975.

65. Фаробий. Буюк кишиларнинг нақлларида. Рисолалар. – Т.: “Фан”, 1975.

66. Хопфнер Г.Д. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида мустақил ўрганишнинг аҳамияти. – Тошкент: “Талқин”, 2007. 72 б.

67. Ҳасанов Р. Амалий безак санъати машғулоти методикаси (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2003. – 72 б.

68. Ходжаев Б. Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. – Тошкент, 2010. – 360 б.

69. Ҳакимов А., Гюль Э. Байсун. Атлас художественных ремёсел. – Ташкент, 2006.

70. Ҳакимов Н., Жўрақулов О. Шаҳрисабз тарихи. – Қарши: “Насаф”, 2001.

71. Қодиров А. Анъанавий жамиятни модернизация қилиш стратегияси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.

72. Қобилов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз, 1993.

73. Қиличев Р.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик. – Т., 1997. – Б. 124.

74. Қуронов М. Миллий тарбия. – Т.: “Маънавият”, 2006.

75. Қувватов Н. Ўтиш даври тафаккури. – Т.: “Маънавият”, 2006.

76. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров: влияние на развитие общества. – Т.: “Университет”, 1999.

77. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э., Қурбонов М. ва бошқ. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. – Т.: “Академия”, 2002. – 280 б.

78. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: “Маънавият”, 2002.

79. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Т.: “Маънавият”, 2011.

80. Юлдашев Х.А., Булатов С.С. Устоз-шогирд одоби. / Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005. – 239 б.

81. Юлдашев Х.А. Устоз-шогирд одоби мавзусидаги ўқув тарбиявий тадбирлар ўтказиш методикаси. /Методик қўлланма. – Тошкент: ЎМКХТКМО ва ЎҚТИ, 2005. – 82 б.

82. Юсупов Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 32 б.

83. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: “Университет”, 1998. – 184 б.

84. Юсупов Э. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 175 б.

Диссертация ва диссертация авторефератлари:

1. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед. фан. док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.

2. Баротов Ш.Р. Ўзбекистонда психологик хизмат ташкил этишнинг ижтимоий-психологик ва илмий-амалий асослари: Псих. фан. док. ... дис. – Т., 1997. – Б. 13-15.

3. Бекмурадов М. Роль общественного мнения в социальнокультурном развитии общества: Автореф. дисс... д-ра соц. наук. – Т., 1997. – 42 с.

4. Давлатова С.Т. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (XIX асрнинг иккинчи ярми XXI аср бошлари). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2019. 29-бет.

5. Жамолдинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Автореф. ...пед. фан. док. – Т., 2015. – 86 б.

6. Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари (мустақил ҳаёт бўсағасидаги ёшлар). Педагогика фанлари доктори... дис./ Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети. – Тошкент, 1998. 279-бет.

7. Исмоилова З.К. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари (“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва

тамойиллар” асари асосида). П. ф. д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган илмий маъруза шаклидаги дисс. – Т., 2006.

8. Каххарова М. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар. Автореф. ...фал. фан. док. – Т., 2012.

9. Кунц Л. Профессиональная направленность как фактор формирования образа будущей профессиональной деятельности (на примере студентов-психологов): дис. ...канд. психол. наук. – Новосибирск, 2005. – 243 с.

10. Марданов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий кадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 302 б.

11. Маҳкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 1998. – 287 б.

12. Маҳкамов У. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари. П. ф. д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. / Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институти, – 1998. – 286 б.

13. Митина Л. Личность и профессия: психологическая поддержка и сопровождение. – М.: Издательский центр «Академия», 2005. – 350 с.

14. Мухсиева А.Ш. Оилада миллий тарбия жараёнининг методик асослари: Дис. ... пед. фан. номзоди: 13.00.06/ ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги ТДПУ. – Т., 2005.

15. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 1993. – 364 б.

16. Назаров Қ. Қадрият тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксиологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари): Фалс. фан. д-ри... дисс. – Т., 1996. – 311 б.

17. Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 1998. – 288 б.

18. Рўзиева Д. Олий таълим муассасаси талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2007. – 255 б.

19. Серый А. Ценностные ориентации личности в структуре профессионально значимых качеств практических психологов: автореф. дис. ...канд. псих. наук. – Иркутск, 1996. – 25 с.

20. Умарова М.М. Ўсмирларда оилавий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари: Дис. ...психол. фан. номзоди: 19.00.05/ ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. М.Улуғбек номидаги ЎЗМУ. – Т., 2004. – Б. 10–11.

21. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дис. автореф. – Т., 2012. – 46 б.

22. Шаров А. Система ценностных ориентаций как психологический механизм регуляции

жизнедеятельности человека: дис. д-ра психол. наук. – Новосибирск, 2000. – 383 с.

23. Шодмонова Ш.С. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида): Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2010. – 340 б.

24. Шиянов Е. Формирование мотивационно-ценностного отношения студентов к педагогической деятельности: дис. канд. пед. наук. – М., 1992. – 165 с.

25. Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта мактабларида миллий тарбиянинг илмий педагогик асослари. П.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т., 1998. – 316 б.

26. Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири – XX аср боши). Тарих фанлари номзодлик ...дисс. – Тошкент, 1994. – 158 б.

27. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2010. – 332 б.

Журналлардаги мақолалар:

1. Бегматов А. Тарбия жараёни ва педагогик диагностика.// “Халқ таълими” журналы, 2007 йил, 5-сон.

2. Ортиқова М. Касбий таълим ва тарбиянинг узвийлиги // “Касб-хунар таълими”. – Тошкент, 2006, №5. – Б. 2-4.

3. Пардаева, М.Д. Ўтмиши шарафли, келажаги буюк халқ маънавиятида ҳазрат Алишер Навоий қарашларининг ўрни. “Инновации в педагогике и психологии”. 2021, 4 (3).

4. Pardaeva, M.D. The role of the jadid's thinking views in the fight against enlightenment against ignorance. “Ўтмишга назар” журнали, 2020, 10 (3).

5. Пардаева, М.Д. Использование средств народной педагогики в воспитании толерантности у молодежи. Проблемы педагогики, 2018, 6 (38).

6. Ўринов У. Таълимни ижтимоий ҳамкорлик асосида ташкил этиш // “Касб-ҳунар таълими”. – Тошкент, 2008, №3. – Б. 26-27.

7. Юлдашев Х. Ҳунармандчилик сирларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш // Касб-ҳунар таълими. – Тошкент, 2004, №1. – Б. 10-11.

8. Юлдашев Х. Устоз-шогирд одоби мезонлари // Касб-ҳунар таълими. – Тошкент, 2008, №3. – Б. 16-17.

Чет тилларидаги адабиётлар:

1. Galligan A.M. Creativity, Culture, Education and the Workforce. – Center for Arts and Culture, 2001. – 36 p.

2. Corey G., Schneider-Corey, M., Callanan, P. Issues and ethics in the helping professions (7th ed.). Belmont, CA: Brooks/Cole, 2007. – 154 p.

3. Lynch, Lisa M. A Needs Analysis of Training Data: What do we want, what do we have, can we ever get it? NBER Conference on Research in Income and Wealth: Labor Statistics Measurement Issues. Ed.J.Haltiwanger,

M. Manser and R. Topel. – Chicago: University of Chicago Press, 1998. P. 407.

4. Kim J. The Koreans: Their Mind and Behavior. – Seoul: Kyobo Book Centre Co, 1991. – 236 p.

5. Wilson B. The shuttle between emotion and cognition: Risk, resiliency, and physiological bases. In E.M. Hetherington & E. A. Blechman (Eds.), Stress, coping, and resiliency in children and families / B.J. Wilson, J.M. Gottman. – Hillsdale, NJ: Erlbaum, 1996. – pp. 189–228.

МУНДАРИЖА

С.Қахҳоров. Сўз боши ўрнида.....	3
Кириш.....	6
Биринчи боб. Ёшларда миллий ҳунармандчилик ва урф-одатлар бирлиги муносабатини ривож- лантириш дидактик таъминотини такомил- лаштиришнинг назарий-методологик асослари....	22
1.1. Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатини ривожлан- тиришнинг дидактик таъминотини такомил- лаштириш ижтимоий-педагогик зарурат сифатида.....	22
1.2. Миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф- одатлар бирлигини ўрганиш орқали талабаларда маънавий қадриятларни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари.....	35
Иккинчи боб. Халқ ҳунармандчилиги ва урф- одатлар бирлиги муносабатларини ривожлан- тириш дидактик таъминотини такомил- лаштиришнинг педагогик механизмлари.....	50
2.1. Янги Ўзбекистон шароитида устоз-шогирд муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари.....	50
2.2. Ёшларда миллий халқ ҳунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини ривож- лантиришни ахборот технологиялари восита- сида такомиллаштириш.....	68
Хулоса.....	84
1-илова. Миллий ҳунармандчилик тўгараги, мақсади ва вазифалари.....	87
2-илова. Ўқувчи-ёшларнинг миллий касб-ҳунар маркази.....	97

Миллий ҳунармандчилик маркази фаолияти.....	100
З-илова. Анкета саволлари.....	105
Маънавий қадриятларимиз хазинасидан.....	106
Хотира синиқлари.....	111
Норова Орифа Зулфиқоровнанинг эълон қилинган илмий ишлари рўйхати.....	115
Фойдаланилган адабиётлар.....	118

Ориф НОРОВА

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ

*Монографиядаги фотолавҳалар
“Бухоро ҳунаرمандчилиги зебу зарлари”
китоб-альбоми ва оила архивидан олинди.*

Муҳаррир:	И.СУБҲОНИЙ
Техник муҳаррир:	Н.ТЎРАЕВ
Мусахҳиҳ:	С.ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:	Ш.АМОНОВА

“БУХОРО NASHR” МЧЖ гувоҳнома рақами: 831681.
26.03.2020. Лицензия рақами 0660. 29.08.2020.
Оригинал–макетдан босишга рухсат этилди 28.04.2023.
Бичими 60x84. Кегли 16 шпонли. “Times” гарн. Офсет
босма усулида босилди. Офсет қоғози.
Нашр босма табағи 8,5. Адади 100. Буюртма № 5
“БУХОРО NASHR” МЧЖ:
Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

“STANDART POLIGRAF” х/к. босмахонасида чоп этилди
Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй.



Ёш, иқтидорли олима Норова Орифа Зулфиқоровна 1993 йил 9 апрелда Бухоро шаҳрида таваллуд топган. 2009 йилда Бухоро шаҳридаги 19-сон ўрта умумтаълим мактабини имтиёзли битиргач, Ромитан туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида таҳсил олган. 2014-2018 йилларда Бухоро давлат университетида касб таълими: амалий санъат мутахассислиги бўйича таҳсил олиб, ўқишни имтиёзли диплом билан тугатган.

2018-2020 йилларда Бухоро давлат университетида магистр даражасига эришиш билан бир қаторда, университетнинг илмий бўлими ходими вазифасида фаолият юритган.

Орифа Норова онаси — фалсафа фанлари номзоди, доцент Марҳабо Пардаевага ҳавас қилиб илм йўлини танлади. 2021 йилда Бухоро давлат университетида докторантурага ўқишга қабул қилинди. “Талаба-ёшларда миллий халқ хунармандчилиги ва урф-одатлар бирлиги муносабатларини такомиллаштириш” мавзuida илмий изланиш олиб борди.

Унинг 20 га яқин илмий мақоласи хорижий ва миллий журналлар, шунингдек, халқаро анжуманлар тўпламларида чоп этилган.

Орифа Норованинг илмий фаолияти натижалари вафотидан (2022 йил 9 июль) кейин монография шаклида чоп этилмоқда. Унинг ҳаётдаги ва илмий-ижодий фаолиятдаги армонлари фарзанди Муслима мисолида ушалишига ишонамиз.

